

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

51-52-сон
(239-240)
2006 й.
декабрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

498. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 декабрдаги ЎРҚ-70-сон Қонуни

499. «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 19 декабрдаги ЎРҚ-71-сон Қонуни

500. «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 22 декабрдаги ЎРҚ-72-сон Қонуни

501. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-73-сон Қонуни

502. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-74-сон Конуни

Иккинчи бўлим

503. «Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги ПФ-3831-сон Фармони
504. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 декабрдаги ПФ-3837-сон Фармони
505. «Республика вольфрам конларининг минерал-хом ашё базасини янада ривожлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 декабрдаги ПҚ-530-сон қарори
506. «Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорт паркини янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 декабрдаги ПҚ-531-сон қарори [Кўчирма]
507. «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон қарори [Кўчирма]
508. «2007—2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги ПҚ-535-сон қарори
509. «Ўзқимёсаноат» ДАК корхоналарида Киото Протоколининг Мусаффо ривожланниш механизми доирасидаги лойиха ўз вактида амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 декабрдаги ПҚ-540-сон қарори [Кўчирма]
510. «Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 декабрдаги ПҚ-542-сон қарори
511. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 декабрдаги ПҚ-544-сон қарори

Учинчи бўлим

512. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ-505-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 декабрдаги 260-сон қарори

513. «Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини бошқариш хукукини берувчи миллӣ ҳайдовчилик гувоҳномасининг янги намунасини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 19 декабрдаги 261-сон қарори
514. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006—2008 йилларда тўқимачилик корхоналарини модернизация қилиш ва техниковий қайта жихозлаш Даствури тўғрисида» 2006 йил 13 ноябрдаги ПҚ-510-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 декабрдаги 262-сон қарори
515. «Мадрид битимиға доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) мувофиқ белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказишида ундириладиган якка тартибдаги божларнинг ставкаларини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 декабрдаги 263-сон қарори
516. «Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга кўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 декабрдаги 269-сон қарори
517. «Халқ истеъмол товарлари кўргазмалари ва ярмаркаларини ўтказиш соҳасида «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси фаолиятини фаоллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 декабрдаги 270-сон қарори
- + 518. «Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарори
-

Бешинчи бўлим

519. «Давлат органлари ахборот тизимларини хисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2006 йил 17 ноябрядаги 355-сон буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 21 декабрда 1646-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
520. «Қимматли қофозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2006 йил 22 ноябрядаги 2006-14-сон буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 декабрда 1127-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

521. «Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали республика корхоналарига сотишда қўшилган киймат солифини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2006 йил 7 декабрдаги 99, 2006-48-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 25 декабря 1583-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
522. «Бошоқли дон экинлари сомонини ёкиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу холатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар кўллаш бўйича низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлигининг 2006 йил 27 ноябрдаги 11-1481, 10/8, 91-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 25 декабря 1647-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
523. «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 21 октябрдаги 25/6-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 27 декабря 1648-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
524. «Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш ва мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Адлия вазирлигининг 2006 йил 29 декабрдаги 01/19-18/08, 37-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 декабря 1649-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
525. «Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2006 йил 29 декабрдаги 213-мх-сон бўйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 декабря 1650-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
526. «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаларини Давлат бюджети даромадига ўйналтириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Ҳисоб палатасининг 2006 йил 11 декабрдаги 101, 2006-52, 11-133-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 декабря 1651-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисида 2006 йил 16 декабрдан 29 декабргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОнуни

498 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгар- лик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 27 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 30 ноябрда
маъкулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **223-модданинг биринчи қисми санкциясидаги** «эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 224-модданинг:

биринчи қисми санкциясидаги «эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми санкциясидаги «етмиш беш бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар «уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми санкциясидаги «эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Рес-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 16 декабрда эълон қилинган.

публикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда) **225-моддасига** қуидаги ўзгаришлар киритилсин:

БИРИНЧИ ҚИСМНИНГ САНКЦИЯСИДАГИ «ўн бараваригача» деган сўзлар «эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ИККИНЧИ ҚИСМНИНГ САНКЦИЯСИДАГИ «беш бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар «йигирма бараваридан юз эллик бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

УЧИНЧИ ҚИСМНИНГ САНКЦИЯСИДАГИ «икки бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 15 декабрь,
ЎРҚ-70-сон

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОNUНИ

499 «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 26 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 30 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги 472-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 20 декабрда эълон қилинган.

Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 230-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) кўйидаги ўзгартишлар кирилсинг:

1) 3-модданинг олтинчи қисми кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси мазкур аппарат ходимларининг чекланган сони билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисидаги низом, шунингдек унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари аппаратининг, ихтисослаштирилган божхона комплекслари, божхона комплекслари ва постларининг наmunавий тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

2) 8-модданинг тўртинчи қисми кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона органларида хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Божхона органларининг мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Божхона органларининг интизомий устави билан белгиланади»;

3) 10-модданинг матни кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона органларининг мансабдор шахсларига улар эгаллаб турган лавозимларга ҳамда неча йил ишлаганликларига қараб, кўйидаги маҳсус унвонлар берилади:

кичик таркиб — божхона хизматининг кичик сержанти, божхона хизматининг сержанти, божхона хизматининг катта сержанти;

ўрта бошлиқлар таркиби — божхона хизматининг лейтенанти, божхона хизматининг катта лейтенанти, божхона хизматининг капитани;

катта бошлиқлар таркиби — божхона хизматининг майори, божхона хизматининг подполковники, божхона хизматининг полковники;

олий бошлиқлар таркиби — божхона хизматининг генерал-майори, божхона хизматининг генерал-лейтенанти, божхона хизматининг генерал-полковники.

Маҳсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади».

2-модда. Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 19 декабрь,
ЎРК-71-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

500 «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни нинг 2-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 1 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 30 ноябряда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги 740-XII-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 22-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413, 418-моддалар) **2-моддасининг ўн иккинчи ҳатбоши** чиқариб ташлансин.

2-модда. Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 22 декабрь,
ЎРК-72-сон

* Ушбу Конун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 26 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

501 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 30 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда) куйидаги қўшимчалар киритилсан:

1) куйидаги мазмундаги **128¹-модда** билан тўлдирилсан:

«128¹-модда. Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчилар нинг телефондан фойдаланиши

Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши, —

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай хукуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш хукуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «128-моддасининг тўртинчи қисми» деган сўзлардан кейин «128¹-моддасининг иккинчи қисми» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

3) 248-модданинг:

биринчи қисми «128» рақамидан кейин «-моддалари, 128¹-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

иккинчи қисми 5, 6 ва 7-бандлари «129-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлардан олдин «128¹-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 27 декабрда эълон қилинган.

4) 287-модданинг 1-банди «128» рақамидан кейин «128¹» рақами билан тўлдирилсин.

2-модда. Ушбу Конун 2007 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 26 декабрь,
ЎРК-73-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

502 Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 29 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396-I-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар, № 12, 415, 416-моддалар; 2006 йил, № 6, 259, 260-моддалар, № 10, 536-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан:

1) **8-модда** куйидаги таҳирда баён этилсан:

«8-модда. Айrim тоифадаги солик тўловчиларга солик солиш хусусиятлари

Ушбу Кодекс ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари билан белгиланган айrim тоифадаги солик тўловчилар учун солик солишнинг қўйидагиларни тўлашни назарда тутувчи соддалаштирилган тартиби қўлланилиши мумкин:

- 1) ягона солик тўловини;
- 2) ягона ер солигини;

* Ушбу Конун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 30 декабрда эълон қилинган.

3) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган соликини.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар солик солишининг ягона солик тўлови тўлашни назарда тутивчи соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган тартибдаги соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашни танлашга ҳақли, ушбу модданинг учинчи, тўртингчидан қисмларида назарда тутилган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно.

Алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солик тўлови тўлашга ўтишга ҳақли эмас.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш доирасида фаолият кўрсатидиган юридик шахслар, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ягона солик тўлови тўлайдилар ҳамда умумбелгиланган тартибда соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтишга ҳақли эмас.

Ягона солик тўлови тўловчилар ягона солик тўловини бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасига, бироқ бир вақтнинг ўзида эллик фоиздан кўп бўлмаган миқдорга камайтирган ҳолда қўшилган қиймат солиғи тўлашга ҳақлидиirlар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган соликлар барча умумбелгиланган тартибдаги соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўрнига тўланади, қўйидагилар бундан мустасно:

1) юридик шахслар учун:

ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажарилган (кўрсатилган) ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи;

акциз солиғи (акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда);

ер остидан фойдаланганлик учун солик;

божхона тўловлари;

давлат божлари;

айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш хукуки учун ўифим;

ягона ижтимоий тўлов;

давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар (ягона солик тўлови тўловчилар бундан мустасно);

олинган ва вақтнчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасига ўифим;

2) якка тартибдаги тадбиркорлар учун:

акциз солиғи (акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда);

ер остидан фойдаланганлик учун солик;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик (тадбиркорлик фаолияти учун сув ресурсларидан фойдаланилганда);

ер солиғи;

мол-мулк солиғи;

божхона тўловлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

давлат божлари;

олинган ва вақтнчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасига ўифим.

Солик солишининг соддалаштирилган тартибини қўлловчи юридик шахсларда

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлов манбаида ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ўтказиш мажбуриятлари ҳам сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан кончилик саноати тармокларининг айрим корхоналари учун устами фойда солиғи тўланишини назарда тутадиган фойданинг бир қисмига солиқ солишининг алоҳида тартиби жорий этилиши мумкин.

Махсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришда катнашаётган инвесторларга, уларнинг пудратчиларига ва иккиламчи пудратчиларига солиқ солиши «Махсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан белгиланади.

Солиқ солишининг ушбу моддада назарда тутилган хусусиятларига эга бўлган юридик шахслар солиқ солиниши мақсадидан келиб чиқиб, тегишли фаолият турларининг алоҳида бухгалтерия ҳисобини юритишилари шарт»;

2) 19-модда биринчи қисмининг:

тўртинчи хатбошисидаги «(банкларнинг, кредит уюшмалари, суурита ташкilotлари, видеосалонларнинг, видеокўрсатув, видео ва аудио ёзув пунктларининг, аукционлар, казиноларнинг, оммавий концерт-томуша тадбирларини ўтказувчи ташкilotларнинг харажатлари бундан мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўн учинчи хатбошисидаги «қонун хужжатларига мувофиқ нормалар бўйича» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўн бешинчи хатбошисидаги «маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасдиқлаган нормативларга мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) 31-модданинг биринчи қисми 16 ва 19-бандлари ҳамда иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

4) 32-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида асосий ишлаб чиқариши ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга» деган сўзлар «асосий ишлаб чиқариши ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 34-модда:

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бажарган ишларидан, кўрсатган хизматларидан олган даромадлари Ўзбекистон Республикаси худудидаги манбалардан олинган даромадларга кирмайди»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисблансин;

6) 55-модда биринчи қисмининг жадвали

куйидаги таҳрирда баён этилсин:

| Жами даромад миқдори | Солиқ суммаси |
|---|--|
| энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоригача | даромад суммасининг 13 фоизи |
| энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача | энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ + беш бараваридан ошадиган сумманинг 18 фоизи |
| энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдоридан | энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ + ўн бараваридан ошадиган сумманинг 25 фоизи |

7) 57-модда:

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бажарган ишларидан, кўрсатган хизматларидан олган даромадлари Ўзбекистон Республикаси худудидаги манбалардан олинган даромадларга кирмайди»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб хисоблансин;

8) **64¹-модда** чиқариб ташлансан;

9) 71-модда:

биринчи қисми:

20-бандидаги «тиббий» деган сўз чиқариб ташлансан;

куйидаги мазмундаги **35** ва **36-бандлар** билан тўлдирилсан:

«35) тиббий (ветеринария) хизматлар (косметология хизматлари бундан мусатсно), шунингдек тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган дори-дармон воситалари ва буюмларни, шу жумладан мазкур восита ва буюмларни ишлаб чиқарувчилар томонидан уларни реализация қилиш оборотлари;

36) ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилиш оборотлари»;

иккинчи қисмининг 5-банди куйидаги таҳрирда баён этилсан:

«5) тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган дори-дармон воситалари (ветеринария препаратлари) ва буюмлар, шунингдек тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган дори-дармон воситалари ва буюмлар ишлаб чиқариш учун олиб кирилаётган хом ашё»;

10) 92-модданинг биринчи қисми:

саккизинчи ва **тўққизинчи хатбошилари** чиқариб ташлансан;

куйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсан:

«қишлоқ хўжалиги (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик) маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва саклаш учун фойдаланиладиган мол-мулкнинг»;

11) 93-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланадиган нормалар доирасида пенсиянерларнинг, шунингдек I ва II гурух ногиронларининг»;

12) **102-модда учинчи қисмининг 4-банди** чиқариб ташлансан;

13) **108-модданинг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Кенг тарқалган фойдали қазилмалар қазиб олишни ўзларига берилган ер участкалари доирасида хўжалик ва майший эҳтиёжлар учун белгилланган тартибда амалга ошираётган ер эгалари хамда ердан фойдаланувчилар ер остидан фойдаланганлик учун соликдан озод қилинади».

2-модда. Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 декабрь,
ЎРҚ-74-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

503 Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириши рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Банк тизимининг барқарор ривожланишини, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни, уларнинг инвестиция ва иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларида фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;

фойда солиги ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг микдорда камайтирилади.

Мазкур бандда назарда тутилган имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан қўлланилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда 2007 йилнинг 1 январига қадар тижорат банкларининг акцияларини харид қилиш ва улар бўйича дивидендлар олишда солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсан ва тасдиқласин.

3. Тижорат банкларига ахолининг бўш маблағларини, тадбиркорлик субъектларини, институционал инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторларни тижорат банкларининг акциядорлик капиталига жалб этиш борасидаги фаолиятни кучайтириш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

вазирлик ва идораларнинг идоравий норматив ҳужжатлари мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 19 декабрь,
ПФ-3831-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

504 «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн беш йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучлар қурилиши ишига муносиб хисса қўшган ҳарбий хизматчиларни рафбатлантириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонининг низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси (Ш. Мирзиёев) 2007 йилнинг 5 январигача «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонлари ва гувоҳномаларининг бланклари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби М. Атаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

+
Тошкент ш.,
2006 йил 26 декабрь,
ПФ-3837-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 26 декабрдаги
ПФ-3837-сон Фармонига
1-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони тўғрисида НИЗОМ

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони билан давлатнинг мудофаа қурдатини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучлар қурилишига муҳим хисса қўшган шахслар, ўзининг юксак касб маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён қилган ҳарбий хизматчилар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун бўлган жанговар харакатларда иштирок этган ва захирага бўшатилган ёки истеъфога чиқарилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ёки яраланган ва шикастланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари тақдирланадилар.

2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош қўмандони номидан қўшилма командири ва юқори турувчи мансабдор шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

3. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони вазирликлар хамда мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари идоралари раҳбарларининг буйруқлари асосида мукофотланганларга топширилади.

4. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига тақилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 26 декабрдаги
ПФ-3837-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил»
эсдалик нишони
ТАВСИФИ**

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони 0,25 микронгача қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланниб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга бўлади.

— Эсдалик нишонининг олд томонида балқиб чиқаётган қуёш фонида Хумо қуши акс эттирилган. Хумо қушининг тагида саккиз қиррали юлдуз жойлашган бўлиб, унинг ўртасида кесишаётган икки қилич билан қалқон (Амир Темурнинг ҳарбий аслахалари) тасвирланган. Нишоннинг юқори қисмида доира бўйлаб «Ozbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 15 yil» ёзуви мавжуд. Эсдалик нишонининг пастки қисмида тасвирланган лентага Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига асос солинган йил ва юбилей санасини англатувчи 1992—2007 рақамлари ёзилган.

+

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Эсдалик нишони эни 24 миллиметрли мовий-ҳаворанг шойи тасма билан қопланган беш қиррали колодкага ҳалқача ёрдамида туташтирилади. Тасма эни 2 миллиметрли сарик рангдаги йўл билан ҳошияланган. Тасма ўртасидан эни 7 миллиметрли яшил рангли йўл ўтган.


Тасвирлар ва ёзув қавариқдир.

Эсдалик нишонининг қирралари бўртиқ ҳошияланган.

OZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARI 15 YIL
Эсдалик нишони

+

—



Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

505 Республика вольфрам конларининг минерал-хом ашё базасини янада ривожлантириш түғрисида

Республика вольфрам конларини қазиши ишларини давом эттириш хамда «Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати» ОАЖни экспортга мўлжалланган кўп турдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун минерал-хом ашё ресурслари билан таъминлаш, шунингдек комбинатнинг амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини янада тўлиқ юклаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Олмалиқ КМК» ОАЖ хамда «Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати» ОАЖ томонидан «Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати» ОАЖни истиқболли ривожлантириш ва вольфрам-молибден маҳсулотлари ишлаб чиқариши ташкил этишининг қўйидагиларни назарда тутувчи прогноз йўналишлари ишлаб чиқилган:

Самарқанд вилоятидаги Яхтон конининг «Шимолий» участкасини 2009 йилдан бошлаб ўзлаштириш ва ўйллик вольфрам концентрати ишлаб чиқариш ҳажмини 870,0 тоннага етказишни назарда тутган ҳолда 2007-2008 йилларда кон-бойитиши комплексини куриш;

— 2010—2012 йилларда Навоий вилоятидаги Саутбой конини ишга тушириш, 2013 йилдан бошлаб йилига 1260,0 тонна ҳажмда қўшимча вольфрам концентрати ишлаб чиқариш ва 2014 йилдан бошлаб вольфрам маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи технологик линиялар қувватларини тўлиқ юклашни таъминлаш; +

2007 йилдан бошлаб «Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати» ОАЖнинг йилига 60,0 тоннагача ҳажмдаги техноген чиқинчиларини жалб этиш, 2011 йилдан бошлаб эса «Ингички металс» қўшма корхонаси томонидан йилига 560 тоннагача вольфрам концентрати етказиб бериш ҳисобига вольфрам хом ашёсими қайта ишлаш ҳажмларини қўпайтириш;

2006 йилдан бошлаб 2011 йилга қадар «Олмалиқ КМК» ОАЖдан етказиб бериладиган молибден саноат маҳсулотини қайта ишлаш ҳажмларини босқичма-босқич йилига 162,0 тоннадан 650,0 тоннагача ошириб бориш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзозирнефтгазкимёлойиҳа» институти «ЎзГЕОТЕХЛИТИ» институтини жалб этган ҳолда қўйидаги лойиҳаларнинг дастлабки техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсан:

2007 йилнинг 20 марта гача бўлган муддатда — Яхтон кони («Шимолий» участкаси) вольфрам рудаларини қазиб чиқариш ва бойитиш;

2008 йилнинг 31 декабри гача бўлган муддатда — «Саутбой» кони вольфрам рудаларини қазиб чиқариш ва бойитиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси ўн кун муддатда Яхтон ва Саутбой конларининг вольфрам рудалари захираларини мазкур конлардаги вольфрам рудаларини қазиб чиқариш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи хужжатларни расмийлаштирган ҳолда белгиланган тартибда «Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати» ОАЖ балансига ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан биргаликда ўн кун муддатда:

ушбу инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари хисобидан молиялаштириш масалаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларига бўлган талаб-эҳтиёжни, шунингдек ушбу лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштириш учун бошқа манбаларни уларнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда аниқласин.

5. «Ўзбекистон қишин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати» ОАЖ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоказалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси ҳамда «Олмалик КМК» ОАЖ билан биргаликда, «Яхтон кони(«Шимолий» участкаси) вольфрам рудаларини қазиб чиқариш ва бойитиш» лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий асоси тасдиқлангандан сўнг, икки ой муддатда асосий технологик ускуналарни етказиб берувчини танлаш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва тендер ўтказсан.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги «Яхтон кони(«Шимолий» участкаси) вольфрам рудаларини қазиб чиқариш ва бойитиш» лойиҳасини Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги ва кейинги йиллардаги Инвестиция дастурига белгиланган тартибда киритсан.

7. «Ўзбекистон қишин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати» ОАЖ Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Яхтон кони вольфрам рудаларини саноат миқёсида қазиб чиқариш ва бойитишни таъминлаш учун олиб келинадиган импорт қилинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган материаллар, ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, техник ҳужжатлар 2009 йилнинг 31 декабригача божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсан.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Э.Р. Шоисматов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 декабрь,
ПҚ-530-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

506 Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорт паркини янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида

[Кўчирма]

Ўзбекистонда автобуслар ва юк автомобиллари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, республика автотранспорт воситалари паркини тўлдириш ва янгилаш, шунингдек йўловчилар ва юк ташиб хавфсизлигини ошириш ҳамда атмосферага зарарли чиқиндилар чиқаришни қисқартириш мақсадида:

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

«Ўзавтосаноат» АК Туркиянинг «Коч» компаниялари гурухига тегишли «Самарқанд автотранспорт паркини тўлдириш ва янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» капитали билан Ўзбекистон капитали билан «Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖга айлантирилди;

заводда «ИСУЗУ Моторс» компанияси (Япония)да ишлаб чиқарилган шассиларда автобусларни серияли ишлаб чиқариш бошланди, уларни етказиб бериш «ИТОЧУ Корпорейшн» Япония компанияси томонидан 3752 автокомплект, шу жумладан 2006 йилда — 252 комплект, 2007 йилда — 1500 комплект, 2008 йилда — 2000 комплектни етказиб бериш бўйича тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади;

Самарқанд автомобиль заводи негизида замонавий автобуслар ва юк автомобиллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича «Ўзавтосаноат» АКнинг Япониянинг «ИТОЧУ Корпорейшн» ҳамда «ИСУЗУ Моторс» компаниялари билан узоқ муддатли ҳамкорлик килиш лойиҳасининг бизнес-режаси ва техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда.

2. «Ўзавтосаноат» АК ва «Асака» банкининг «Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖ махсулотларини лизинг асосида сотиш учун 6 млрд. сўм бошланғич устав капиталига эга бўлган 5 йил муддатгача ва лизинг компанияси даромад ставкаси (маржа)ни йилига 5 фоиздан оширгаган ҳолда «Ўзавтосаноат-Лизинг» ихтисослаштирилган лизинг компаниясини ташкил этиш ва молиялаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. «Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖ ишлаб чиқарган автобуслар ва юк машиналарининг ҳаридорлари, шу жумладан «Ўзавтосаноат-Лизинг» лизинг компанияси автозавод махсулотларини биринчи марта сотиб олишда Республика йўл фондига йифим тўлашдан 2010 йилнинг 1 январигача озод этилсин.

6. 2007 йилнинг 1 мартадан бошлаб:

«М2», «М3» ва «N2» тоифаларидағи фойдаланилган автотранспорт воситаларини;

зарарли чиқинди чиқариш даражаси «Евро-2» экологик даражада талабларига жавоб бермайдиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган юқорида кўрсатилган тоифалардаги янги автотранспорт воситаларини, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб эса, ТР ТИФ 8703 ва 8705 кодларига тўғри келадиган махсус транспорт воситаларидан ташқари, «Евро-3» экологик даражада талабларига жавоб бермайдиган транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб келиш тақиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор тузилмалар билан биргаликда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир ой муддатда, йўловчи ташишга мўлжалланган, фойдаланиш муддати 10 йилдан ошган автобуслар ва микроавтобусларни босқичма-босқич фойдаланишдан чиқариш бўйича чора-тадбирларнинг аниқ дастури ва норматив базасини ишлаб чиқсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Э.Р. Шоисматов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 декабрь,
ПҚ-531-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

507 Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2006 йил 30 ноябрдаги 256-I-сон қарорига мувофиқ:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетининг асосий параметрлари 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг, Республика йўл жамғармасининг, бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг 2007 йилги асосий параметрлари 3—5-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансан.

2. 2007 йилги Давлат бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,0 фоиз миқдорида белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш:

республика бюджети маблағларининг 2007 йил бошидаги нақд пул касса айланмасининг белгиланган нормативдан ортиқча бўш колдиклари хисобидан;

2007 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, бюджетдан ташқари Мактаб

* 1—5-иловалар берилмайди.

таълими жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ташқари давлат мақсадли жамғармаларининг қолдик маблағлари ҳисобидан;

бошқа ноинфляцион манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. 2007 йил учун:

юридик шахслардан фойда солиги ставкалари 6-иловага* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича белгилаб қўйилган солиқ ставкалари 7 ва 8-иловаларга* мувофиқ;

рўйхат бўйича республикада ишлаб чиқариладиган ва четдан келтирилайдиган товарлардан акциз солиги ставкалари 9-1 ва 9-2-иловаларга* мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 10-иловага* мувофиқ;

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 11-иловага* мувофиқ;

катодли (тозаланган) мис ишлаб чиқаришдан олинган ортиқча фойдадан солиқ ставкалари 12-иловага* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиги ставкалари 13 ва 14-иловаларга* мувофиқ;

ер солиги ставкалари 15-иловага* мувофиқ;

ягона ер солиги ставкалари 16 ва 17-иловаларга* мувофиқ;

маҳаллий солиқлар ва ўйғимлар ставкалари 18-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва ўйғимлар ставкалари 19 ва 20-иловаларга* мувофиқ;

21-иловага* мувофиқ белгиланган солиққа тортиш объектларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 0,7 фоизи микдорида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига — 1,0 фоизи микдорида мажбурий ажратмалар ставкалари тасдиқлансин.

4. 2007 йил 1 январдан бошлаб ягона ижтимоий тўлов ставкалари, маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида 22-иловада* келтирилган нормативларга мувофиқ тақсимланган ҳолда, 25 фоиздан 24 фоизгача пасайтирилсин.

Белгилаб қўйилсанки, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб вақтинчалик ишга лаёқатсизларга нафака тўлаш билан боғлик харажатлар:

бюджет ташкилотлари томонидан — меҳнат ҳақи фондига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан — фойда солигини ҳисоблашда мазкур харажатлар солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. 2007 йилда:

кўшилган киймат солиги ставкаси 20 фоиз микдорида;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан дивидендлар ва фоизлар тарзида олинидиган даромадлардан солиқ ставкалари 10 фоиз микдорида;

фуқароларнинг иш ҳақидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суурита бадаллари ставкаси 2,5 фоиз микдорида сақлаб қолинсин.

* 6—22-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

6. 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб илгари тўланадиган соликлар ва давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўловлар ўрнига: савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;

лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

тайёрлов, таъминот-сотиш, брокерлик фаолияти, шунингдек комиссion шартномалар (топшириқлар) бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солик тўлови жорий этилсин.

Ягона солик тўлови ставкалари 23—25-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солик қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда янги таҳрирдаги Ягона соликни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсан ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Хўжалик юритувчи субъектларга соликлар ва мажбурий тўловлар ставкаларини пасайтириш натижасида бўшайдиган маблағларни ходимларнинг иш ҳақини оширишга ўйналтириш тавсия этилсин.

8. 2007 йил 1 январдан бошлаб Навоий, Жиззах ва Фарғона вилоятлари қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиқсан ҳолда ягона ер солигини ҳисоблаб чиқиш татбиқ этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини ягона ер солигини ҳисоблаб чиқиш учун Навоий, Жиззах ва Фарғона вилоятларининг барча қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига белгиланган тартибда етказсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли қарори 4-иловасида назарда тутилган солик имтиёзлари микрокредитлаш бўйича хизматларга жорий этилсин.

17. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг барча даражадаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Давлат бюджетидаги улушкини кўпайтириш мақсадида қўйидаги умумдавлат соликлари:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;

юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турларига белгилаб қўйиладиган солик;

республикада ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиги бўйича тушумлар тўлиқ микдорда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилсин.

18. 2007 йил учун:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлар ва харажатлар хажмлари, республика бюджетидан дотациялар ва мақсадли субвенцияларнинг чекланган микдорлари 26-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига умумдавлат солик тушумларидан ажратмалар нормативлари 27-иловага** мувофиқ;

* 23—25-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

** 26-27-иловалар берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам микдорлари 28-илювага* мувофиқ тасдиқлансан.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

тегишли бюджетларга дотациялар, мақсадли субвенциялар ва бюджет ссудалари (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) ажратишда уларнинг микдорларини худудлар бўйича барча соликлар ва тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек Давлат бюджетининг биринчи навбатдаги харажатларини (хисоблаб ёзилган иш ҳаки, стипендиялар, нафақалар ва уларга тенглаштириладиган тўловларни) сўзсиз молиялаштириш зарурлигидан келиб чиқсан ҳолда аниқлаштириш;

республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва Андижон, Самарқанд ҳамда Хоразм вилоятлари маҳаллий бюджетларига бериладиган даромадларнинг тасдиқланган микдорларига ушбу худудлarda шаклланадиган солик тушумларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро ҳисоб-китоб қилиш орқали даромадлар ва харажатлар ўртасида вужудга келадиган касса бўйича тафовутларни тартибга солган ҳолда аниқлаштиришлар киритиш хукуки берилсин.

20. 2007 йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг захира жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари микдорлари 29-илювага* мувофиқ тасдиқлансан.

21. Белгилаб қўйилсинки, 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси номидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинадиган хорижий кредитлар ҳажми 2006 йилдаги хорижий кредитлар бўйича асосий қарзни тўлаш ҳажмидан ортиқ бўлмаслиги керак.

23. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда соғлиқни сақлаш муассасалари таркиби қайта қуриш ва мақбуллаштириш, касалхоналардаги самарасиз фойдаланилаётган ўринлар фондини ўрта ҳисобда 20 фоизга қисқартириш, бўшайдиган маблагларни амбулатория-поликлиника шоҳобчаларини ривожлантиришга мақсадли йўналтириш ишларини якунласин.

24. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2007 йил 1 январдан бошлаб кинофильмлар кўрсатувчи сайёр пунктларни тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

республиканинг айрим туманлари ва шаҳарларидағи биринчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш муассасалари, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар ва касбхунар коллежларини молиялаштиришнинг жорий тартибини кўрсатилаётган хизматларнинг амалдаги ҳажмларига мувофиқ чуқур таҳлил этсин, 1 та одам (1 та ўқувчи)га норматив харажатлардан келиб чиқсан ҳолда молиялаштириш механизмини маромига етказсан;

2008 йилги бюджет лойихаси билан бир вақтда соғлиқни сақлаш ва таълим бюджет ташкилотларини 1 та одам (1 та ўқувчи)га норматив харажатлардан келиб чиқиб молиялаштиришга ўтиш бўйича республиканинг айрим туманлари ва шаҳарларида тажриба ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифларни киритсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қўйидагиларни назарда тутган ҳолда 2007 йилда Давлат бюджетининг фазна ижроси механизмларини янада кенгроқ татбиқ этиш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминласин:

* 28-29-илювалар берилмайди.

2007 йилнинг 1 июлигача Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятларида жойлашган бюджет ташкилотлари учун бюджетнинг фазна ижросини босқичма-босқич жорий этиш;

бюджет ташкилотлари харажатларини замонавий ахборот технологиялари асосида худудий газна хисобвақларидан тўлаш механизмини республиканинг барча минтақаларида 2007 йилнинг охиригача татбиқ этиш;

Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона фазна ҳисобварафида жамлаш ва у орқали Давлат бюджети харажатлари тўловини амалга ошириш, шунингдек Давлат бюджетининг ягона ҳисобвараклар режаси асосидаги ижроси тўғрисида бухгалтерлик ҳисоб-китоби ва ҳисоботини ташкил этиш ягоналигини таъминлаш имконини берувчи назначилик ахборот тизимининг функционал ва техникавий тузилмаси (ИСУГФ)ни ишлаб чиқиш учун Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтларининг қарз маблағларини жалб этиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

27. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг:

а) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Давлат бюджети асосий параметрларини аниқлаштириш тӯғрисидаги таклифи қабул қилинсин ва:

Давлат бюджети даромадларини 4263,8 млрд. сўм, харажатларини — 4332,6 млрд. сўм микдорида хамда бюджет тақчиллиги хажмини ялпи ички махсулот хажмига нисбатан 0,4 фоизгача камайтирган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилги хузуридаги бюджетдан ташкари Пенсия жамғармаси маблағларини даромадлар бўйича 1357,3 млрд. сўм ва харажатлар бўйича — 1329,0 млрд. сўм микдорида тасдиқлансан;

б) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда 2007 йил январь ойида 2006 йил учун барча даражалардаги бюджетлар билан якуний айланмалар ўртасидаги ўзаро хисоб-китобларни тартибга солишга доир операцияларни, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги хисоботда ўтказилган операцияларни акс эттирган ҳолда, ўтказиш тўғрисидаги таклифлари кабул қилинсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози бажарилишини ва Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети ижросини таҳлил этиш натижалари бўйича, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети асосий параметрларини бюджетнинг белгиланган тақчилиги доиррасида аниқлаштиришга доир таклифлар киритсан.

29. 2007 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини ўйғотган деб ҳисоблансин.

2007 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига 31-илювага мувофик ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан.

30. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мазкур карорнинг қабул қилиниши муносабати билан қонун хужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар бўйича бир ой муддатда Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар, Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни илгари чиқарилган норматив хужжатларини бир хафта муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар.

31. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 декабрь,
ПҚ-532-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги
ПҚ-532-сон қарорига
30-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 январдан
бошлаб ўз кучини йўқотган қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридағи Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низом 7-бандининг «б» ва «г» кичик бандлари.

2. Ўзбекистон ССЖ Президенти хузуридағи Вазирлар Маҳкамасининг «Жумхурият ўқувчи-ёшлирга ва мутахассисларига чет тилларни кенг кўламда ўқитиш тизимини такомиллаштириш ва унинг моддий-техника базасини ривожлантиришга оид тадбирлар тўғрисида» 1991 йил 29 июлядаги 197-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбоши*.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қўшма корхоналар ташкил этишга хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 11 октябрдаги 393-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 10-сон, 66-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 720-ф-сон фармойиши.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул-буюм лотереяларини ўtkазиши такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 15 ноябрдаги 396-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 70-модда) 6-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 июндаги ПФ-3270-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари хақида» 2003 йил 2 июлядаги 300-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 56-модда) 1-банди ва 3-бандининг учинчи хатбоши.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 18 майдаги 218-ф-сон фармойиши.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекис-

* 2007 йил 1 сентябрдан бошлаб ўз кучини йўқотади.

тон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сон қарори) 2006 йил 22 февралдаги 28-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 12-модда) илованинг 3-банди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги
ПҚ-532-сон қарорига
31-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига 2007 йил
1 январдан бошлаб киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қофозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон қарори 5-бандининг учинчи хатбошидаги «10 фоизи микдоридаги ставка бўйича ягона солик» сўзлари «13 фоизи микдоридаги ставка бўйича ягона солик тўлови» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойихалаштириш, куриш ва реконструкция килиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридағи Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 7-бандда:

«в» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«в) воситачилик хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар томонидан — қўшилган қиймат солигини чегирган ҳолда воситачилик ҳаки суммасидан, тайёрлов ва таъминот — сотиш ташкилотлари учун — қўшилган қиймат солигини чегирган ҳолда товар айланмаси маблағларидан мажбурий ажратмалар»;

«е» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«е) тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатув пунктлари), кимошди савдолари, видео- ва аудио манбаларини кўпайтиришдан, прокатга беришдан, шунингдек оммавий концерт-томоша тадбирларидан даромад оладиган корхоналар томонидан — даромад маблағларидан мажбурий ажратмалар;

б) 34-банднинг олтинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси» сўзлари қўшилсин.

3. Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 30 июлдаги 271-сон қарори билан тасдиқланган Ахолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар тарифларидағи фарқларни бюджетдан қоплаш тартибида:

а) 4-банд «б» кичик бандининг иккинчи хатбошига «аҳоли томонидан марказий иситишга ва иссиқ сув таъминотига норматив бўйича истеъмол қилинадиган иссиқлик энергиясини ҳисобга олган ҳолда» сўзлари қўшилсин;

б) «Аҳоли фойдаланадиган иссиқлик энергияси тарифларидағи фарқни бюджетдан қоплаш ҳисоб-китоби» жадвали қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«200 йил **да**
(йил чораги, ярим йиллик, 9 ой, йил)

**аҳоли фойдаланадиган иссиқлик энергияси тарифларидағи
фарқни бюджетдан қоплаш
ХИСОБ-КИТОБИ**

| T/p | Күрсаткычлар | Үлчов бирлиги | Йилнинг 1 чораги (1-ярим йиллик, 9 ой, йил) күрсаткычлари |
|-----|--|--------------------------------------|---|
| 1. | Жами иссиқлик энергияси шу жумладан: а) ишлаб чиқарилган иссиқлик энергияси б) четдан олинган иссиқлик энергияси | Гкал Гкал Гкал Гкал | |
| 2. | Берилган иссиқлик энергияси — ҳаммаси (2а-банд +2в-банд) шу жумладан: а) аҳолига — ҳаммаси б) аҳолига — тасдиқланган истеъмол нормалариға мувофиқ в) бошқа истеъмолчиларга | Гкал Гкал Гкал | |
| 3. | Фойдаланилган иссиқлик энергияси учун тўлов тақдим этилган (ҚҚСиз) — ҳаммаси, шу жумладан: а) аҳолига б) бошқа истеъмолчиларга | минг сўм минг сўм минг сўм | |
| 4. | Куйидагиларга бериладиган 1 Гкал иссиқлик энергияси учун шаклланган ўртача тариф: а) аҳолига (За-банд: 2а-банд) б) бошқа истеъмолчиларга (Зб-банд: 2в-банд) | сўм сўм сўм | |
| 5. | 1 Гкал иссиқлик энергияси учун тарифлардаги фарқ (4б-банд - 4а-банд) | сўм | |
| 6. | Тарифлардаги фарқ: а) аҳолига бериладиган иссиқлик энергиясининг барча ҳажми учун (2а-банд x5-банд) б) аҳолига бериладиган иссиқлик энергиясининг норматив ҳажми учун (2б-банд x 5-банд) | минг сўм минг сўм | |
| 7. | Аҳоли томонидан норматив доирасида истеъмол қилинадиган иссиқлик энергияси учун бюджетдан қопланиши лозим бўлган тарифлардаги фарқ (8-банд+9а-банд) ёки (8-банд – 9а-банд) | минг сўм | |
| 8. | Бюджетдан амалда қоплангани | минг сўм | |
| 9. | Натижা. а) бюджетдан қўшимча ўтказиш (6б-банд – 8-банд) б) бюджетга қайтариш ёки бўлажак харажатларни қоплашга ўтказиш (8-банд – 6б-банд) | минг сўм минг сўм | |

| T/p | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Йилнинг 1 чораги (1-ярим йиллик, 9 ой, йил) кўрсаткичлари |
|-----|--|---------------|---|
| | в) аҳоли томонидан нормативдан ортиқча иссиқлик энергияси истеъмол қилинганлиги ҳисобига вужудга келган харажатларни корхонанинг молия-хўжалик фаолияти натижаларига ўтказиш (ба-банд – 66-банд) | минг сўм | |
| | Раҳбар | | |
| | Бош бухгалтер | | |

Изоҳ.

1. Ҳисоб-китоб иссиқ сув таъминоти ва марказий иситииш бўйича алоҳида-алоҳида тўлдирилади.
2. Марказий иситииш бўйича қоплашни ҳисоблаб чиқаршида 2б-бандда аҳоли томонидан иссиқлик энергиясини истеъмол қилиши нормаси календарь ойдан келиб чиқсан ҳолда ҳисобга олинади».

4. Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 11 декабрдаги 439-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1996 й., 12-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Бизнес-мактаб тўғрисидаги низомнинг VII бўлими 1-бандида:

+ биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бизнес мактабни 2006/2007 ўкув йилигача (ушбу ўкув йили ҳам киради) ўқишига қабул қилинган ўқувчилар бўйича молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бундан ташқари, бюджетдан ташқари маблағлар тушумлари молиялаштириш манбалари бўлиши мумкин, шу жумладан», қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бизнес-мактабларда 2007/2008 ўкув йилидан бошлаб ўқишига қабул қилинган ўқувчиларни ўқитиш бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади».

5. Вазирлар Махкамасининг «Акциялар пакетларини жойлаштиришни такомиллаштириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини бошқариша акциядорлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 18 августдаги 404-сон қарори 7-бандининг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондларида давлат улуши бўйича дивидендлар тарзида барча даромадларни ҳисобга олиш ва уларнинг мониторинги».

6. Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 2-сон, 9-модда) билан тасдиқланган Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1.5 бўлимига қўйидаги мазмундаги 1.5.13-банд қўшилсин:

«1.5.13. Конун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ, ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича нафакалар тўлаш билан боғлиқ харажатлар»;

б) 2.2 бўлимига қўйидаги мазмундаги 2.2.17-банд қўшилсин:

«2.2.17. Маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган инвентарлар ва хўжалик анжомлари қийматини ҳисобдан чиқариш бўйича харажатлар ҳамда уларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатда саклаш билан боғлик бўлган бошқа харажатлар»;

в) 2.3 бўлимига кўйидаги мазмундаги 2.3.21-банд қўшилсин:

«2.3.21. Конун хужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ, бошқарув ходимларининг, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида катнашмайдиган бошқа ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича нафақалар тўлаш билан боғлик харажатлар»;

г) 2.3.21-банд 2.3.22-банд деб ҳисоблансан;

д) 1-иловада:

1.13, 1.15, 1.16, 1.33, 1.37-бандлар чиқариб ташлансан;

1.43-банддаги «2.3.21» рақамлари «2.3.22» рақамлари билан алмаштирилсан;

II бўлим чиқариб ташлансан;

е) 2-илованинг 1-банди кўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«1. Ишончсиз қарзлар бўйича резервга ажратмалар».

7. Вазирлар Махкамасининг «Меъёранадиган айrim харажатлар нормативларини тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 9 апрелдаги 166-сон карорида:

«а) қарорнинг муқаддимаси кўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«Ўзбекистон Республикасининг монопол бирлашмалар (корхоналар) Давлат реестрига киритилган табиий монополиялар субъектлари ва монопол корхоналар товарлари (ишлари, хизматлари)га нархлар (тарифлар)ни шакллантиришда харажатларнинг айrim моддаларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор килади»;

б) 1-банд кўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«1. Вакиллик мақсадларига харажатлар нормативлари иловага мувофиқ тасдиқлансан»;

в) 2-бандда:

учинчи хатбоши кўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«реклама учун қўшилган қиймат солиfinи ҳисобга олган ҳолда товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушум йиллик ҳажмининг 2,0 фоизи микдорида»;

тўртинчи ва бешинчи хатбоши чиқариб ташлансан;

г) 3-банд кўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«3. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўлаб-куватлаш давлат қўмитаси тасдиқланган нормативларни табиий монополиялар субъектларига ва монопол корхоналарга етказсан»;

д) 2-иловадаги «2» рақами чиқариб ташлансан.

8. Вазирлар Махкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда):

а) 6-банднинг иккинчи хатбоши кўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«аввало вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларни ва мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга»;

б) Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибида:

26-банднинг иккинчи хатбоши кўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«аввало вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларни ва мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга»;

27-банднинг биринчи хатбошидаги «бюджет ташкилотида» сўзларидан кейин «вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланмаган нафақалар» сўзлари қўшилсин, «ушбу қарзни» сўзлари эса «ушбу қарзларни» сўзлари билан алмаштирилсан;

29-банднинг биринчи хатбошидаги «кредиторлик қарзлар мавжуд бўлмаса ёхуд улар» сўзлари «вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланмаган нафақалар ва кредиторлик қарз мавжуд бўлмаса ёхуд ушбу қарзлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

9. Вазирлар Махкамасининг «Тошкент шаҳрини санитария жихатидан тозалаш тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 3 августдаги 302-сон карорининг 5-банди иккинчи хатбошидаги «ободонлаштириш ишларига тушадиган ўйфимлар ҳисобига» сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Махкамасининг «Пул-буюм лотереялари ўтказишни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 15 ноябрдаги 396-сон карорининг (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 11-сон, 70-модда) 7-банди учинчи хатбошидаги «ялпи тушумдан ягона солик» сўзлари «ягона солик тўлови» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2004 й., 10-сон, 98-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомда:

24-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошидаги «вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик» сўзлари чиқариб ташлансин;

33-банддаги «б» кичик банднинг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

37-банднинг учинчи хатбошидаги «вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари» сўзлари чиқариб ташлансин.

+

-

12. Вазирлар Махкамасининг «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштироқида «Саломатлик-2» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 27 январдаги 34-сон қарори 2-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Халқаро тараққиёт уюшмаси кредити бўйича асосий қарзни қайтариш, улар бўйича воситачилик тўловлари» сўзлари «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (Саломатлик-1) ва Халқаро тараққиёт уюшмаси (Саломатлик-2) кредитлари бўйича асосий қарзни қайтариш, улар бўйича фоизлар ва воситачилик тўловлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 12-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рафбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 3-бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«фақат тежалган маблағлар мавжуд бўлгандахина ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича тўланмаган нафақаларни молиялаштиришга».

14. Вазирлар Махкамасининг «Тибиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) 3-иловасига қўйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ. Тежалган маблағлар мавжуд бўлган тақдирда ушбу маблағлар ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича тўланмаган нафақаларни молиялаштиришга ўйналтирилиши мумкин».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

508 2007—2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Юкори жаҳон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган, автомобиль транспортида халқаро, транзит ва республика ичидаги юклар ва йўловчиларни йил давомида бир маромда ва самарали ташишни таъминловчи умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини янада ривожлантириш, шунингдек йўл қурилишидаги инвестиция жараёни иштирокчиларининг хўжалик муносабатларини мақбулаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси, Республика йўл жамғармаси, «Ўзватойўл» ДАК томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2007—2010 йилларда ва узоқ муддатли истиқболда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш Концепцияси қўйидаги мақсадли Дастурларни ўз ичига олган ҳолда 1-иловага* мувофиқ:

2007—2010 йилларда халқаро аҳамиятга эга умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш Дастури 2-иловага** мувофиқ;

2007—2010 йилларда давлат аҳамиятiga эга умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини реконструкция қилиш Дастури 3-иловага** мувофиқ маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Ўстандарт» агентлиги, «Ўзватойўл» ДАК, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларини хузуридаги ягона буюртмачи хизматлари, манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг 2007—2010 йилларда ва узоқ муддатли истиқболда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсан ва тасдиқласин;

республиканинг ҳар йилги Инвестиция дастурларини шакллантиришда 2 ва 3-иловаларда белгиланган параметрларга ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган лойиха-смета хужжатларига қатъий мувофиқ равишда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш учун Республика йўл жамғармаси ҳисобидан капитал қўйилмалар лимитларини назарда тутсин.

3. Белгилансинки:

халқаро ва давлат аҳамиятiga эга умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини таъмиглаш бўйича ҳар йилги Дастурни шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармаси томонидан «Ўзватойўл» ДАК билан биргаликда Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган ҳолда амалга оширилади;

маҳаллий аҳамиятга эга умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини таъмилаш бўйича ҳар йилги Дастурни шакллантириш Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларини томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармаси ва «Ўзватойўл» ДАК билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Рес-

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

** 2-3-иловалар берилмайди.

публика йўл жамғармасини бошқариш бўйича Кенгаш тасдиқлаган ҳолда амалга оширилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзавтойўл» ДАК 2007 йил 1 марта бўлган муддатда илгари ширкат хўжаликлари балансида бўлган хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини инвентаризациядан ўтказсин ҳамда уларнинг тегишли туман ҳокимликлари балансига ўтказилишини таъминласин.

5. «Ўзавтойўл» ДАКнинг «Ўзийўлбутлаш» бошқармаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари билан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича «Ўзавтойўл» ДАКнинг таркибий бўлинмалари учун олиб келинадиган йўл-қурилиш техникаси ва ускуналари, шунингдек улар учун эҳтиёт қисмлар 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб тўрт йил муддатга божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашда жорий этилган қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этиш устидан тегишли архитектура-қурилиш назоратини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 20 декабрь,
ПҚ-535-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

509 «Ўзқимёсаноат» ДАК корхоналарида Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми доирасидаги лойиҳа ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

[Кўчирма]

«Ўзқимёсаноат» ДАК корхоналарида азот чала оксидлари ҳавога чиқарилишини камайтириш, улар жойлашган минтақаларда экологик мухитни Мусаффо ривожланиш механизми доирасидаги лойиҳалар имкониятларидан фойдаланган ҳолда яхшилаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, «Ўзқимёсаноат» ДАК ва «Мицубиси Корпорейшн» (Япония) компанияси ўртасида азот чала оксидини (N_2O) ҳавога чиқаришини камайтириш лойиҳасини биргаликда ишлаб чиқиш тўғрисидаги Битим тузилди, кейинчалик Киото Протоколини имзолаган мамлакатларда сертификатланган камай-

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

тирилган чала оксидлар чиқиндилари ҳажмлари сотилади. Битим қўйидагиларни назарда тутади:

лойиха бўйича умумий харажатлар молиялаштирилишини таъминлайдиган ҳажм-да тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш;

лойихада иштирок этувчи корхоналарда 2007 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмларини камайтирган ҳолда агрегатларни реконструкция қилиш ва ускуналарни алмаштириш ишларини олиб бориш;

чиқиндиларни мавжуд даражадан 80 фоизга тушириш имконини берувчи азот чала оксидини парчалашнинг янги технологияларидан фойдаланиш ҳисобидан сертификатланган азот чала оксида чиқиндиларини камайтириш;

жаҳон бозорида сертификатланган камайтирилган чиқиндиларни сотишдан олинган қўшимча даромад, лойиха бўйича умумий харажатлар чегириб ташлангандан сўнг Ўзбекистон томонига — 80 фоиз, «Мицубиси Корпорейшн» (Япония) компаниясига — 20 фоиз пропорцияда таксимланади.

3. «Ўзкимёсаноат» ДАК:

бир ҳафта муддатда мазкур лойихани амалга ошириш бўйича ишли гурухни ташкил этсин;

лойихани амалга ошира бошлашни жадаллаштириш мақсадида «Мицубиси Корпорейшн» (Япония) компанияси маблағлари ҳисобидан БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли Конвенцияси Котибияти ҳузуридаги Мусаффо ривожланиш механизмининг Ижро этувчи Кенгаши томонидан маъқулланган методологияга муво-фика жараён параметрларини ҳисобга олиш ва қайд этиш приборлари, мониторинг тизими бўйича асбоб-ускуналарни тайёрлайдиган заводлар нархларида етказиб бериш муддати 2007 йилнинг 1 мартаидан кечикирилмаган ҳолда тўғридан-тўғри ҳарид қилинишини амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда «Мицубиси Корпорейшн» (Япония) компанияси иштирокида лойихани амалга ошириш учун иккиламчи катализаторлар ва бошқа технологик ускуналарни сотиб олишга бир ой муддатда ёпик тендер савдоларини эълон қиласин;

«Мицубиси Корпорейшн» (Япония) компанияси иштирокида бир ой муддатда Киото Протоколи, ҳалқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда «Ўзкимёсаноат» ДАК корхоналарида азот чала оксидлари ҳавога чиқарилишини камайтириш» лойихасининг техник-иктисодий асосини ишлаб чиқсин

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Давархитекткурилиш» қўмитаси, Акциядорлик тижорат «Ўзсаноаткурилишбанк» билан биргаликда икки ҳафта муддатда мазкур лойиханинг техник-иктисодий асосини бир босқичда бир ўйла экспертизадан ўтказсин;

ваколатли органлар томонидан мазкур лойиханинг техник-иктисодий асоси экспертизаси якунлангач, бир ҳафта муддатда уни белгиланган тартибда Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми бўйича Идоралараро кенгашга (Р.С. Азимов) маъқуллаш учун киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги «Ўзкимёсаноат» ДАК корхоналарида азот чала оксидлари ҳавога чиқарилишини камайтириш» лойихасини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги ва кейинги йиллардаги Инвестиция дастурига киритсин.

6. Белгилансинки, лойихани бажариш бўйича ҳисоб-китоблар Япониянинг би-

ринчи даражали банкида ёки учинчи мамлакатда очилган АТ «Ўзсаноатқурилиш банк»нинг вакиллик ҳисобварағи орқали амалга оширилади.

7. Мазкур лойиҳани амалга ошириш доирасида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган импорт килинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган материаллар, ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар ҳамда лойиҳа-техника хужжатларига божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йигимларидан ташқари) тўлаш муддати 2008 йилнинг 31 декабригача узайтирилсин.

8. «Мицубиси Корпорейшн» (Япония) компанияси лойиҳани амалга ошириш доирасида оладиган даромадлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида тўлов манбаидан олинадиган даромад (фойда) солиги тўлашдан озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Ўзкимёсаноат» ДАКнинг талабномаларига кўра, лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган хорижий компаниялар мутахассисларига, белгиланган тартибда, кўп марталик визалар беришни таъминлаб турсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Ўзкимёсаноат» ДАКнинг талабномаларига кўра, лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган хорижий компаниялар мутахассисларига кўп марталик визалар бериш ва муддатини узайтиришни, шунингдек вақтинча рўйхатдан ўтказиш ҳамда вақтинча рўйхатда туриш муддати узайтирилишини таъминлаб турсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари Р.С. Азимов ва Э.Р. Шоисматов зиммаларига юклансин.

+

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 25 декабрь,
ПҚ-540-сон

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

510 Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси иловага* мувофиқ Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг халқаро шартномаларига қўшилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур қарор иловасида кўрсатилган халқаро шартномалар кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган халқаро шартномалар Ўзбекистон Республикаси учун кучга киргандан сўнг:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринbosарлари ҳамда тегишли вазирлик

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ва идораларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари ижроси устидан назоратни таъминласинлар;

Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат килиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 декабрь,
ПҚ-542-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

511 Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида

«Халқаро шартномалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 20-моддасига мувофиқ:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2004 йил 24 июлда Бишкек шаҳрида имзоланган давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари ҳақидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2004 йил 24 июлда имзоланган давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари ҳақидаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 2006 йил 24 августда Тошкент шаҳрида имзоланган Протокол тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (В. Норов) мазкур карорда кайд этиб ўтилган халқаро шартномалар кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси зарур бўлган ички давлат тартиб-коидаларини бажаргани тўғрисида Қирғизистон Республикасига тегишли билдиришнома ўйлассин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг уларда кўзда тутилган мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат килиш Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М. Атаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 28 декабрь,
ПҚ-544-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

512 **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ-505-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ-505-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлариға ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига акциз маркаларининг янги намуналарини жорий этиш тўғрисида» 2004 йил 4 февралдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 9-модда) ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 декабрь,
260-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 18 декабрдаги 260-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартериш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида четдан келтириладиган ва республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркалари кўллаш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 8-сон, 24-модда):

- a) 8-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

«8. Акциз маркалари мажбурий тартибда маркаланиши зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва четдан келтирувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртманомалари бўйича, буюртманомаларда тегишли равишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун — жойлардаги Давлат солик инспекцияси, импорт қилувчилар учун — Давлат божхона қўмитаси томонидан:

алкоголли маҳсулотлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларига — буюртма берилаётган акциз маркалари миқдори номинал қийматининг 50 фоизи тўланганлиги;

тамаки маҳсулотлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларига — буюртма берилаётган акциз маркалари миқдорининг номинал қиймати тўлиқ тўланганлиги;

алкоголли маҳсулотларни импорт қилувчиларга — буюртма берилаётган акциз маркалари миқдорининг номинал қиймати тўлиқ ҳажмда ҳамда акциз солифининг 50 фоизи тўланганлиги;

тамаки маҳсулотларини импорт қилувчиларга — буюртма берилаётган акциз маркалари миқдорининг номинал қиймати тўлиқ ҳажмда ҳамда акциз солифининг барча суммаси тўланганлиги тўғрисида белги кўйилган тақдирда «Пахта-банк»нинг минтақавий бўлинмалари томонидан берилади»;

б) 9-банднинг иккинчи жумласига «қайд этилади» сўзларидан кейин «шунингдек алкогольли маҳсулот куйиладиган истеъмол идишининг литрдаги ҳажми кўрсатилади» сўзлари қўшилсин;

в) 14-бандда:

иккинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тамаки маҳсулотларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари акциз маркалари ни уларнинг номинал қиймати бўйича, алкогольли маҳсулотларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари эса — акциз маркалари номинал қийматининг 50 фоизини тўлагандан кейин сотиб оладилар. Тамаки маҳсулотлари ва алкогольли маҳсулотларни импорт қилувчилар акциз маркаларини уларнинг номинал қиймати бўйича сотиб оладилар»;

тўртинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тамаки маҳсулотларини импорт қилувчилар акциз маркаларини акциз солифини тўлиқ миқдорда, алкогольли маҳсулотларни импорт қилувчилар эса — акциз солифи суммасининг 50 фоизини тўлагандан кейин сотиб оладилар»;

г) Ишлаб чиқариладиган акциз товарларини маркалашнинг ва акциз солифининг бюджетга келиб тушишининг принципиал схемаси, Импорт қилинадиган акциз товарларини маркалашнинг ва бюджетга акциз солифи келиб тушишининг принципиал схемаси, Жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган акциз товарларини маркалашнинг ва бюджетга акциз солифи тўлашнинг принципиал схемаси чиқарив ташлансин.

2. Вазирлар Махкамасининг «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида алкогольли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан кўшимчча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 21 майдаги 221-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тамаки маҳсулотларини импорт қилувчилар акциз маркаларини акциз солифини тўлиқ миқдорда, алкогольли маҳсулотларни импорт қилувчилар эса — акциз солифи суммасининг 50 фоизини тўлагандан кейин сотиб оладилар».

3. Вазирлар Махкамасининг «Спирт ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат назоратини мустаҳкамлаш юзасидан кўшимчча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 5 январдаги 2-сон қарорининг 9-банди (Ўзбе-

кистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 1-сон, 2-модда) қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Алкоголли маҳсулотларга акциз маркалари ҳар 2 йилда белгиланган тартибда янгиланадиган тартиб ўрнатилсан, бунда уларнинг сифати ва муҳофаза дараҷасини тубдан яхшилаш назарда тутилсан».

4. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасига четдан келтириладиган ва республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 11 ноябрдаги 496-сон қарорига илованинг 2 ва 3-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 112-модда) чиқариб ташлансан.

5. Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарори билан тасдиқланган Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 68-модда):

7-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсан:

«алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича мавжуд йиллик ишлаб чиқариш қувватларидан камида 60 фоиз фойдаланишин таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларидан лицензиатга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фойдаланилмаган ҳоллар бундан мустасно;

халқаро стандартларга мувофиқ келувчи сифатни бошқариш тизимини жорий этиш мажбуриятларини қабул қилиш»;

9-банднинг «в» кичик бандидаги «30» рақами «60» рақами билан алмаштирилсан.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

513 Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг янги намунасини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчилик тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2006 йил 2 августдаги 156-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Махкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талонининг янги намуналари хамда тавсифлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансан ва 2007 йил 1 мартаңдан бошлаб амалга киритилсан.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2007 йил 1 мартаңдан бошлаб миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини амалда жорий этишни

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

таъминлаш учун уларни тайёрлаш юзасидан буюртма берсин ва Давлат йўл харати хавфсизлиги хизматининг худудий бўлинмаларига тақсимласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги буюртмаси асосида миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини етарли миқдорда, сифатли тайёрлаб бериш юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш (малакасини ошириш), имтихондан ўтказиш ва уларга миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари бериш тартиби тўғрисида» 1998 йил 19 октябрдаги 445-сон қарори 2007 йил 1 мартдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов ва Ички ишлар вазири Б.А. Матлюбов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 19 декабрь,
261-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 19 декабрдаги 261-сон қарорига
1-ИЛОВА

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг намунаси

Олд томони

| | | |
|--|---|-------------------------------|
| HAYDOVCHILIK GUVOHNOMASI | UZ | PERMIS DE CONDUIRE |
| _____ M.O'. | 1. Familiyasi _____ 2. Ismi _____ Otasining ismi _____ 3. Tug'ilgan joyi _____ va sanasi _____ 4. Yashash joyi _____ 5. Berilgan joyi _____ 6. Berilgan vaqt _____ 7. Haqiqiylik muddati _____ 8. Imtihon komissiyasi raisi imzosi _____ 10. Shahsiy imzo 9. AA № 000000 | |

Орқа томони

| OZBEKISTON RESPUBLIKASI | |  | REPUBLIC OF UZBEKISTAN |
|--|---|---|---------------------------|
| 11. Boshqarish huquqi berilgan transport vositalarining toifalari | | | |
| A | Mototsikllar | | |
| B | A toifasiga kirmaydigan to'la vazni 3,5 tonnagacha bo'lgan va haydovchi o'midan tashqari o'rindig'i 8 tadan oshmaydigan avtomobillar | | |
| C | D toifasiga kirmaydigan to'la vazni 3,5 tonnadan ortiq yuk avtomobillari | | |
| D | Yo'lovchi tashishga mo'ljallangan, haydovchi o'midan tashqari o'rindig'i 8 tadan ortiq avtomobillar | | |
| E | Tirkamali transport vositalarini boshqarish huquqiga ega | | |

Talon _____ № _____
 Alohida belgilar uchun _____
 «DAVLAT BELGISI» DICHB TBF. 2006

Ҳайдовчилик гувоҳномаси намунасининг ТАСНИФИ

Ҳайдовчилик гувоҳномаси тўртбурчак шаклдаги, ўлчамлари 102 x 62 мм. бўлган, зичлиги бир квадрат метрга 140+/-5 граммли 100% пахтадан олинган ва ультраби-нафша нурда кўринмайдиган қоғоздан тайёрланади. Қоғоз қатлами орасига жойлашган, ультарбинафша нурда кўринадиган кўк ва оч яшил рангли тола ҳамда нурда яхши ажralиб турадиган «пахта чаноги» кўринишидаги уч ўлчамили умумий «сув белги»си мавжуд. Офсетли ёзув, серияси икки ҳарфли, номери олтига рақамли.

Бланка куйидаги маҳсус химояларга эга:

кимёвий таъсирга бардошли полиграф бўёқдан фойдаланилган, юза қисмидаги катакларда нусха олишга ва сканер қилишга қарши ингичка чизиклар мавжуд. Бир рангдан бошқа рангга расм чизиклари бузилмасдан оҳиста жилоланиши таъминланган. Жуда катталаштирилганда микроматн кўринади, ультрабинафша нурда кўринмайдиган тасвирлар ва еттига рақамли сон кўринади. Маҳсус қабарик ва ўйиқлар мавжуд.

Лотин алифбоси ҳарфларида ўзбек тили кўлланган.

«Ҳайдовчилик гувоҳномаси»нинг олд томонида унинг номланиши ўзбек ва француз тилларида ёзилган, Вена конвенцияси талабида белгиланган мажбурий маълумотларнинг 10 та банди киритилган, фотосурат ва муҳр ўрни кўрсатилган.

Ҳайдовчилик гувоҳномасининг орқа томонида Республика номи ўзбек ва инглиз тилларида ёзилган, Ўзбекистон Республикаси герби туширилган. Вена конвенцияси талабида белгиланган мажбурий маълумотларнинг 11-банди киритилган. A, B, C, D ва E тоифалари қисқа тавсифи билан ёзилган ва бериладиган рухсат белгиси учун жой кўрсатилган. Шунингдек, ҳайдовчилик гувоҳномаси талони серияси ва рақамлари, алмаштирилганлиги ҳамда дубликати берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган.

Вазирлар Мажкамасининг
2006 йил 19 декабрдаги 261-сон қарорига
2-ИЛОВА

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси талонининг намунаси

Олд томони

Орка томони

| | |
|---|---------------|
| seriya _____ | raqam belgili |
| haydovchilik guvohnomasiga | |
| Talon O'ZR № 000000 | A B |
| Familiyasi _____ | D |
| Ismi _____ | E |
| Otasining ismi _____ | |
| Qaysi YHXB bergen _____ | |
| 20__ yil «___» imtihon komissiyasi raisi imzosi (imzo) | |
| M.O. | |
| <p>Haydovchilik guvohnomasi olib qo'yilgan kundan boshlab 30 kun muddatga transport vositasini boshqarish huquqini beradi.</p> <p>Quyidagi yo'l harakati qoidabuzarlarki sodir etilgan taqdirda ogohlantirish taloniga belgi qo'yildi.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Transport vositasini mast holda boshqarish. 2. Belgilangan tezlikni oshirish. 3. Temir yo'l kesishmalaridan o'tish qoidalari 4. Quvib o'tish qoidası, chorrahaldaridan o'tish, odam tashish, piyodalar yurish joylari hamda jamoat transporti to'xtash joylaridagi yo'l qoidabuzarlilar. 5. Boshqaruv signallariga, yo'l belgi talablari va o'tish joylaridagi yo'l chiziqlarga riyoq qilmaslik. 6. Har qanday to'siqsiz o'tib ketish huquqiga ega bo'lgan transport vositalarini o'tkazib yubormaslik. 7. Ma'lum talablar asosida foydalishan qat'iyan man etilgan, o'zboshimchalik bilan davlat raqam belgisi yechib qo'yilgan yoki yasama davlat raqam belgi bilan yurgan qoidabuzarlari. 8. Yoritish asboblaridan foydalishan qoyidalarini buzish. 9. Oynalarining yorug 'lik o'tkazuvchanligi me'yordan kam, telefondan foydalishan qoidalari. | |

Ҳайдовчилик гувоҳномаси талони намунасининг ТАСНИФИ

Ҳайдовчилик гувоҳномасининг талони тўртбурчак шаклдаги, ўлчамлари 102 x 62 мм. бўлган, зичлиги бир квадрат метрга $140+/-5$ граммли 100% пахтадан олинганд ва ультрабинафша нурда кўринмайдиган қофоздан тайёрланади. Қофоз катлами орасига жойлашган, ультрабинафша нурда кўринадиган кўк ва оч яшил рангли тола ҳамда нурда яхши ажралиб турадиган «пахта чаноғи» кўринишидаги уч ўлчамли умумий «сув белги»си мавжуд. Офсетли ёзув, серияси «O'zR», номери еттита раками.

Бланка қўйидаги маҳсус ҳимояларга эга:

кимёвий таъсирга бардошли полиграф бўёқдан фойдаланилган, юза қисмидаги катакларда нусха олишга ва сканер қилишга қарши ингичка чизиқлар мавжуд. Бир рангдан бошқа рангга расм чизиқлари бузилмасдан охиста жилоланиши таъминлан-

ган. Жуда катталаштирилганда микроматн кўринади, ультрабинафша нурда кўринмайдиган тасвирлар ва еттига рақамли сон кўринади. Махсус қабариқ ва ўйиқлар мавжуд.

Лотин алифбоси ҳарфларидағи ўзбек тили қўлланган.

Талоннинг олд томонида берилган ҳайдовчилик гувоҳномасининг серияси ва рақамларини ёзиш учун жой, бланка номи ва унинг серияси хамда номери, эгаси ҳакида маълумот, ким томонидан қачон берилгандиги, А, В, С, Д ва Е тоифалари кўрсатилган, нурда аниқ кўринувчи саккиз қиррали юлдуз расми ва «UZ» ёзуви туширилган.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси талонининг орқа томонидан йўл қўйилган қоида бузилишларини қайд этиш учун жадвал, ҳайдовчилик гувоҳномаси ким томонидан ва қачон олиб қўйилгандиги тўғрисида белгилар учун жой ва муҳр ўрни кўрсатилган. Тоифалари бўйича транспорт воситаларининг сурати туширилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

514 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006—2008 йилларда тўқимачилик корхоналарини модернизация қилиш ва техниковий қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида» 2006 йил 13 ноябрдаги ПҚ-510-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006—2008 йилларда тўқимачилик корхоналарини модернизация қилиш ва техниковий қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида» 2006 йил 13 ноябрдаги ПҚ-510-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **карор қиласди:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 27 январдаги 38-сон қарорига куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

6-банддаги «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси хузуридағи эксперт кенгashi томонидан маъқулланган» сўzlари «Енгил саноат корхоналарини куриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқадиган идоралараро эксперплар кенгashi томонидан маъқулланган» сўzlари билан алмаштирилсин;

7-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига 1-илованинг 77-банди (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 9-10-сон, 48-модда);

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси хузуридаги енгил саноат корхоналарини куриш, қайта ихтисослаштириш ва замонавийлаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш эксперт кенгаши таркибига ўзгаришилар киритиш тўғрисида» 2005 йил 25 октябрдаги 235-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 декабрь,
262-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

515 Мадрид битимиға доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) мувофиқ белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказишида ундириладиган якка тартибдаги божларнинг ставкаларини белгилаш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасининг Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимиға доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь)» қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

1. Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиши тўғрисидаги Мадрид битимиға доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) мувофиқ белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказишида Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан ундириладиган якка тартибдаги божлар ставкалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг валията хисоб рақамига тушадиган якка тартибдаги бож маблағлари қўйидаги тартибда тақсимланади:

90 фоизи Давлат бюджети даромадига ўтказилади;

10 фоизи улардан идоранинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда ҳамда саноат объектларини ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ташкилотларда қатнашганлик учун аъзолик бадалларини тўлашда фойдаланиш учун (камид 50 фоизи), шунингдек ходимларни моддий рағбатлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг бюджетдан ташқари хисоб рақамига ўтказилади.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 декабрь,
263-сон

Вазирлар Махкамасининг
2006 йил 21 декабрдаги 263-сон қарорига
ИЛОВА

**Мадрид битимиға доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил
27 июнь) мувофиқ белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказишида
ундириладиган якка тартибдаги божлар ставкалари**

| Бож коди | Божнинг номи | Ставкалар (АҚШ доллари) |
|-------------|--|----------------------------|
| 1. | Белгининг халқаро рўйхатдан ўтказилиши натижасида пайдо бўладиган муҳофаза қилишни ёйиш тўғрисидаги аризада Ўзбекистон Республикаси кўрсатилганлиги учун, шунингдек ҳудудий кенгайтириш тўғрисидаги аризада Ўзбекистон Республикаси кўрсатилганлиги учун: | |
| 1.1. | белгиларни рўйхатдан ўтказиш мақсадлари учун товарлар ва хизматлар халқаро таснифининг бир класси учун | 1200 |
| 1.2. | бир классдан ортиқ бўлган товарлар ва хизматларнинг ҳар бир қўшимча класси учун: | 120 |
| 2. | Жамоа белгиси халқаро рўйхатдан ўтказилиши натижасида пайдо бўладиган муҳофаза қилиш ёйилиши тўғрисидаги аризада Ўзбекистон Республикаси кўрсатилганлиги учун, шунингдек ҳудудий кенгайтириш тўғрисидаги аризада Ўзбекистон Республикаси кўрсатилганлиги учун: | |
| 2.1. | белгиларни рўйхатдан ўтказиш мақсадлари учун товарлар ва хизматлар халқаро таснифининг бир класси учун | 1800 |
| 2.2. | бир классдан ортиқ бўлган товарлар ва хизматларнинг ҳар бир қўшимча класси учун | 180 |
| 3. | Кўрсатиб ўтилган Баённомага мувофиқ рўйхатдан ўтказилган белгининг халқаро рўйхатдан ўтказилганлиги узайтирилганлиги учун: | |
| 3.1. | белгиларни рўйхатдан ўтказиш мақсадлари учун товарлар ва хизматлар халқаро таснифининг бир класси учун | 600 |
| 3.2. | бир классдан ортиқ бўлган товарлар ва хизматларнинг ҳар бир қўшимча класси учун | 60 |
| 4. | Кўрсатиб ўтилган Баённомага мувофиқ рўйхатдан ўтказилган жамоа белгиси халқаро рўйхатдан ўтказилганлиги узайтирилганлиги учун: | |
| 4.1. | белгиларни рўйхатдан ўтказиш мақсадлари учун товарлар ва хизматлар халқаро таснифининг бир класси учун | 1200 |
| 4.2. | бир классдан ортиқ бўлган товарлар ва хизматларнинг ҳар бир қўшимча класси учун | 120 |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

516 Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўрта бўғин тиббиёт ходимларининг қасбий савияси ва малакасини оширишни рафбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 6 декабрдаги ПҚ-524-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсун.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

—
Тошкент ш.,
2006 йил 25 декабрь,
269-сон

+
Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 25 декабрдаги 269-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар

1. V бўлимга қўйидаги мазмундаги 23¹-банд қўшилсин:
«23¹. Олий маълумотга эга бўлган тиббиёт ҳамшираларига тариф ставкасининг 10 фоизи микдорида қўшимча тўлов белгиланади.

Бош тиббиёт ҳамшираларига тариф ставкасининг 5 фоизи микдорида қўшимча тўлов белгиланади».

2. 24-бандга қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:
«шошилинч тиббий ёрдам хизматининг олий маълумотга эга бўлган тиббиёт ҳамшираларига: узлуксиз ишланган стажнинг биринчи уч йили учун ҳамда ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан микдорда белгиланади, устаманинг энг кўп микдори — 40 фоиз»;

учинчи—еттинчи хатбоши тегишли равишда тўртинчи—саккизинчи хатбоши хисоблансан.

3. 25-бандда:

тўртинчи хатбошига «олий маълумотга эга бўлган тиббиёт ҳамширалари учун эса тариф ставкасининг 20 фоизи миқдорида» сўзлари қўшилсин;
бешинчи хатбошига «олий маълумотга эга бўлган тиббиёт ҳамширалари учун эса тариф ставкасининг 30 фоизи миқдорида» сўзлари қўшилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

517 Халқ истеъмол товарлари кўргазмалари ва ярмаркаларини ўтказиш соҳасида «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси фаолиятини фаоллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида

Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилари билан савдо корхоналари ўтрасида яқин ўзаро алоқалар ўрнатиш, республика, минтақавий ва халқаро кўргазма-ярмаркаларини тизимли асосда ўтказишни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

+ 1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимилиги, «Ўзкўргазмасавдо» очик акциядорлик жамияти акциядорлари ҳамда «Ўзулгуржисавдоинвест» улгуржи савдо корхоналари уюшмасининг «Ўзкўргазмасавдо» очик акциядорлик жамиятини Халқ истеъмол товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика маркази ёпиқ акциядорлик жамияти сифатида қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

- 2. Куйидагилар Халқ истеъмол товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика маркази ёпиқ акциядорлик жамиятининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ватанимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларнинг республика, минтақавий ва халқаро кўргазма-ярмаркаларини, шунингдек уларнинг мавзули кўргазма-ярмаркаларини ўтказишни ташкил этиш;

ватанимиз корхоналарига ва хорижий корхоналарга ишбилармонлик алоқалари ўрнатиш учун хамкорлар топишда кўмаклашиш;

кўргазмалар ва ярмаркалarda контрактлар тузиш ва уларни бажариш юзасидан савдо, ахборот, консалтинг, маркетинг хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш;

ватанимизнинг халқ истеъмол товарлари технологияси, фани ва ишлаб чиқаришининг энг яхши ютуқларини реклама ва ахборот билан таъминлаш;

ватанимиз ишлаб чиқарувчilarininin халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда иштиrok этишини ташкил қилиш.

3. Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси Халқ истеъмол товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика маркази ёпиқ акциядорлик жамияти билан биргаликда халқ истеъмол товарларининг республика, минтақавий ва халқаро кўргазма-ярмаркалari тизимли асосда ўтказилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

Халқ истеъмол товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика маркази

ёпик акциядорлик жамияти акцияларининг давлатга тегишли пакетини унинг самарали бошқарилишини таъминлаш мақсадида «Ўзулгуржисавдоинвест» ўюшмасига берсин;

«Ўзкўргазмасавдо» очиқ акциядорлик жамияти устав фондидағи Давлат мулки кўмитасига ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига тегишли акциялар пакети хисобига ҳамда Давлат мулки кўмитаси томонидан давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларга ушбу жамиятнинг бошқа акциядорларидан акцияларни номинал қиймати бўйича сотиб олиш хисобига Халқ истеъмол товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика маркази ёпик акциядорлик жамияти устав фонди шакллантирилишини таъминласин;

манфаатдор вазирларлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 декабрь,
270-сон

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

518 Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Ипотека» тўғрисида ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор ўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ-3618-сон Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сон қарорига мувофиқ ҳамда республикада якка тартибда уй-жой қурилишини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларлари мазкур қарор билан тасдиқланган Низом талабларига жойларда сўзсиз риоя қилиниши устидан назоратни таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 30 декабрь,
272-сон

Вазирлар Махкамасининг
2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарорига
1-ИЛОВА

Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги мазкур Низом (кейинги ўринларда «Низом» деб юритилади) «Ипотека» тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сон қарорига мувофиқ фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида якка тартибда уй-жой қуришни ташкил этиш тартибини белгилаб беради.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

якка тартибдаги уй-жой — бир ер участкасида жойлашган, доимий яшаш, дам олиш ва шахсий хўжаликни юритишга мўлжалланган ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ховлидаги иншоотлар тегишли бўлган бир ёки бир неча турар жой иморати (кейинги ўринларда «уй-жой» деб юритилади);

ёрдамчи-хўжалик иморатлари — уй ҳайвонлари ва паррандаларни сақлаш учун иморатлар, омборхона, гараж, ёзги ошхона, тандирхона, ертўла, хаммол, ховлидаги ҳожатхона, душхона, иссиқхона, ховуз, сауна, буғ қозонхонаси ва одамларнинг вақтинча бўлиши билан боғлиқ ишларнинг ҳар хил турларини бажаришга мўлжалланган бошқа функционал иморатлар;

ховлидаги иншоотлар — тўсик, дарвоза, эшик, қудук, фаввора ва одамларнинг яшашига ҳамда майший ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланишга мўлжалланмаган бошқа ясси ёки линияли иншоотлар;

уйнинг турар жой майдони — кишилар яшайдиган хоналарнинг ички габаритлари бўйича майдоннинг жами;

уйнинг умумий майдони — одамлар яшайдиган барча хоналар, уйнинг ёрдамчи-хўжалик иморатлари (ошхона, ваннахона, ўйлак ва бошқалар) майдони жами;

уйни реконструкция қилиш — меъморчилик-режалаштириш ечимларини ўзгартириш, уйнинг устига, ёнига қўшимча қуриш, эскирган ва маънавий эскирган конструкциялар ва мухандислик иншоотларини, шу жумладан ташқи тармоқларни (магистраль тармоқдан ташқари) кисмларга ажратган, алмаштирган ҳолда ўзгартириш.

3. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ўзининг ва оиласининг эҳтиёjlари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Низомга риоя қилган ҳолда зарур

ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотлар билан бирга хусусий мулк хукуқида уй қуриш хукуқига эгадир.

4. Ажратиладиган участка доирасида якка тартибда уй курувчилар учун уйнинг майдони чегараланмайди.

5. Шахарсозлик фаолияти алоҳида тартибга соладиган худудларда уйнинг неча қават эканлиги аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига мувофиқ туманлар (шахарлар) архитектура ва қурилиш органлари томонидан белгиланади ва улар билан келишилади.

6. Ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларнинг мулки бўлган уйлар бузилган тақдирда ер участкалари бериш ва уйлар қуриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга заарларни коплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» 2006 йил 29 майдаги 97-сон қарори билан тартибга солинади.

II. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ер участкалари бериш (реализация қилиш)

7. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси — бу қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашган жойга, хукуқий режимга ва давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа тавсифларга эга бўлган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер фондининг бир қисми.

8. 2008 йил 1 январгача якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси туманлар (шахарлар) ҳокимлари томонидан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги таркибига кирмайдиган ерлардан белгиланган тартибда факат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бир оиласга 0,06 гектаргача мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун берилади.

9. 2008 йил 1 январдан бошлаб якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари кимошли асосида фуқароларга конун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади.

III. Ер участкалари беришда (реализация қилишда) фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқиш тартиби

10. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси олиш учун ариза туман (шахар) ҳокимлигига берилади.

Аризага ариза берувчининг доимий яшаш жойи бўйича турар жойларнинг кадастр иши нусхаси (мавжуд бўлган тақдирда) ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг оиласининг таркиби тўғрисидаги маълумотномаси илова қилинади.

11. Ариза туман (шахар) ҳокими бошчилик қиласидиган, ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича доимий ишлайдиган комиссия (кейинги ўринларда «комиссия» деб юритилади) томонидан кўриб чиқилади. Комиссия таркибига «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, табиатни муҳофаза қилиш, архитектура ва қурилиш органлари, санитария-эпидемиология хизмати, фуқаролар йиғинлари вакиллари ва бошқа шахслар киритилади.

12. Комиссия ариза олинган кундан бошлаб 10 кун мuddатда ер участкаси бе-

ришнинг мақсадга мувофиқлиги ёки ер участкаси бериш асосли равища рад этилиши тўғрисида хulosса чиқаради.

Фуқароларга белгиланган тартибда кимошли савдосида ер участкасини сотишда комиссиянинг қарори талаб қилинмайди.

13. Ер участкалари биринчи навбатда:

ер давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан уйлари бузилаётган фуқароларга;

Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига;
байнамилал жангчиларга;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва уларга тенглаштирилган шахсларнинг оиласаларига;

мехнат фахрийларига;

ўзлари эгаллаб турган давлат турар жой фондининг турар жойларини шаҳар ва туман ҳокимликларига бераётган фуқароларга берилади.

14. Туман (шаҳар) ҳокими комиссиянинг ижобий хulosаси асосида 10 кун муддатда якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Ер участкасини кимошли асосида сотища ҳокимнинг қарори кимошли натижалари асосида 10 кун муддатда қабул қилинади.

15. Туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш органлари томонидан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг худудий органлари билан биргаликда уч кун муддатда ер участкаси ажратиш ва унинг чегараларини натурада чиқариш амалга оширилади ҳамда қўйидаги хужжатлар берилади:

+ туман (шаҳар) ҳокимининг қароридан қўчирма;

участка чегаралари чизилган массивнинг бош режасидан нусха.

16. Ер участкалари бериш тўғрисида илтимос қилган барча фуқароларга ер участкалари ажратиш имконияти бўлмаган ҳолларда туман (шаҳар) ҳокимлиги ер участсалари олишга эҳтиёжмандларнинг хисобини юритади.

Навбатда туриш тартибда ер участкалари олишга эҳтиёжманд бўлган фуқаролар рўйхати туман (шаҳар) ҳокими томонидан бир йилда камида бир марта тасдиқланади.

17. Илтимос қилувчилар ер участкаси беришнинг тахминий муддати қўрсатилган ҳолда тасдиқланган рўйхатга киритилганлик тўғрисида хабардор қилиниши керак.

18. Якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган бўш ер участкалари мавжуд эмаслиги ер участкаси бериш рад этилиши учун асос ҳисобланади.

19. Ер участкаси бериш рад этилган тақдирда ҳокимлик уч кун муддатда буҳакда ариза берувчини ёзма равища хабардор қиласди.

Ер участкаси бериш рад этилиши устидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

IV. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва қурилиш ишларини бажариш ҳуқуқига рухсат бериш

20. Уй-жой қурилиши намунавий ёки якка тартибда ишлаб чиқилган лойиҳа бўйича амалга оширилиши мумкин, якка тартибда ишлаб чиқилган лойиҳа туман (шаҳар) архитектори билан келишилиши керак.

21. Уй-жой қурилишига лойиҳа қўйидагиларни ўз ичига олади:

ерости ва ерусти мухандислик коммуникациялари акс эттирилган ер участкаси режаси;

үй-жойнинг пойдеворлари, ертўлалари, қаватлари, кесимлари ва фасадлари режалари;

смета-молия ҳисоб-китоби (кредит олишга эҳтиёж бўлганда).

22. Мазкур Низомда белгиланган тартибда келишилган үй-жой қурилишига якка тартибдаги ёки намунавий лойиха үй-жой қуриш бўйича қурилиш ишларини бошлаш учун асос ҳисобланади.

23. Якка тартибдаги үй-жой қурилиши:

пудрат усули билан;

хўжалик усули билан (курувчиларнинг ўз кучи билан) амалга оширилиши мумкин.

24. Уй-жой, ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотлар қурилиши шаҳарсозлик нормалари ва коидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши кепрак.

25. Бир ер участкасида икки ёки ундан ортиқ оиласида тегишли бўлган бир нечта үй-жой қурилишига йўл қўйилади.

26. Якка тартибдаги үй-жой қурилишини молиялаштириш якка тартибдаги үй-жойни қураётган шахснинг (кейинги ўринларда «қурувчи» деб юритилади) ўз маблағлари, банкнинг ипотека кредитлари ва конун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа қарз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

V. Уй-жойларнинг техник назорати, уларни қабул қилиш, хатловдан ўтказиш ва уларга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш

27. Якка тартибдаги үй-жой қурилиши устидан техник назоратни курувчи амалга оширади.

Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш органлари үй-жой қурилишида шаҳарсозлик нормалари ва коидаларига риоя килиниши устидан назоратни амалга оширадилар.

28. Уй-жой қурилиши тугаллангандан кейин қурувчи туман (шаҳар) ҳокими томонидан үй-жойни фойдаланишга қабул қилиш юзасидан ташкил этиладиган қабул қилиш комиссиясига мурожаат қиласи.

Қабул қилиш комиссияси жойнинг ўзига бориб қурилиши тугалланган үй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси тузади.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг худудий органи 10 кун муддатда янгидан қурилган (реконструкция қилинган) үй-жойни техник хатловдан ўтказади ҳамда туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш органлари билан келишув бўйича үй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида ҳокимнинг қарори лойихасини киритади.

29. Уй-жойлар қурувчининг ўз кучи билан қурилган ҳолларда битта (иккита) турар жой хонаси, ошхона, ҳожатхона, уй фасадининг ташкил базаги қурилиши тамом бўлгандан, лойихага мувофиқ уй мухандислик коммуникациялари билан таъминлангандан кейин алоҳида ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотларсиз ва худудни ободонлаштирасдан уйнинг бир қисмини фойдаланишга қабул қилишга йўл қўйилади.

30. Туман (шаҳар) ҳокимининг қарори тегишли карор лойихаси киритилгандан кейин икки кундан кечикмай қабул қилинади.

Ҳокимнинг қарорига мувофиқ уй курувчига уй дафтари берилади.

31. Уй-жойга мулкчилик ҳуқуқи «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг худудий органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин қурилган уй-жойга мулкчилик ҳуқуқи пайдо бўлади.

VI. Уй-жой қурувчининг мажбуриятлари

32. Қурувчи:

берилган (реализация қилинган) ер участкасидан ва мақсадли ипотека кредитидан ёрдамчи-хўжалик иморатлари билан бирга фақат уй-жой қуриш учун фойдаланишга;

уй-жой ва ёрдамчи-хўжалик иморатларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда мазкур Низомга амал қилган ҳолда келишилган ва тасдиқланган лойиҳага мувофиқ қуришга;

берилган (реализация қилинган) ер участкасини берилган (реализация қилинган) кундан бошлаб икки йил мобайнида ўзлаштиришни бошлашга ва қурилиш туғаллангандан кейин бир ой мобайнида уй-жойни ва унга бўлган ҳуқуқни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга мажбурдир.

VII. Ўзбошимчалик билан уй-жой қурганлик учун жавобгарлик

33. Уй-жой қурувчилар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу мақсадлар учун ажратилмаган ер участкаларида қурилган ҳамда бунга зарур рухсатномани олмасдан ёхуд шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари жиддий равишида бузилган ҳолда тикланган уй-жойлар, бошқа иморатлар ва иншоотлар ёки бошқа кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган деб ҳисобланади.

34. Ўзбошимчалик билан қуриш аниқланган тақдирда туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан ўзбошимчалик билан қурилаётган қурилишини тўхтатиш тўғрисида кўрсатма берилади. Кўрсатманинг нусхаси ўзбошимчалик билан тикланган иморат тўғрисидаги масалани кейинчалик белгиланган тартибда ҳал этиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этилади.

Ҳуқуқи бузилган шахснинг ёхуд тегишли давлат органининг даъвоси бўйича ўзбошимчалик билан қурилган иморат суднинг қарорига кўра уни курган шахс томонидан ёхуд унинг ҳисобига бузиб ташланиши керак, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

36. Қурувчи уй-жой қуриш ёки реконструкция қилишга тўққинлик қилаётган мансабдор шахсларнинг қонунга зид хатти-харакатлари устидан юкори турувчи органга ёки суд тартибida шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

37. Жисмоний шахслар томонидан ўзбошимчалик билан иморат қуриш масалалари бўйича пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

VIII. Мазкур Низом бузилганилиги учун жавобгарлик

38. Қурувчи ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мазкур Низом бузилганилиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Вазирлар Махкамасининг
2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Якка тартибда уй-жой қурилишини тартибга солиш тўғрисида» 1959 йил 25 декабрдаги 970-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1959 й., 18-сон, 76-модда).

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Уй-жой ва оддий қурилиш сифатини яхшилаш чоралари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1969 йил 28 май № 392 қарори» 1969 йил 21 августдаги 409-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1969 й., 7-сон, 64-модда).

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «СССР Министрлар Советининг «Уй-жой қурилишига ажратилётган капитал маблағлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1981 йил 5 октябрдаги 972-сон қарори» 1981 йил 11 ноябрдаги 877-сон қарори.

4. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда якка тартибда уй-жой қурилишини ташкил этиш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1988 йил 28 июлдаги 263-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1988 й., 7-сон., 27-модда) ва унга илова.

5. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР Ҳукуматининг турар жой масалаларига оид баъзи қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1989 йил 24 январдаги 37-сон қарорига илованинг 2-банди.

6. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик тўғрисида» Ўзбекистон ССЖ Конуни муносабати билан Ўзбекистон ССЖ Ҳукуматининг қарорларини ўзгартиш ва ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» 1991 йил 16 февралдаги 38-сон қарорига илованинг 6-банди (ЎзССЖ ҚТ, 1991 й., 2-сон, 4-модда).

7. Вазирлар Махкамасининг 1993 йил 19 октябрдаги 505-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига киритилаётган ўзгартиришларнинг 19-банди.

8. Вазирлар Махкамасининг «Якка тартибда уй-жой қураётган кўп болали ва кам даромадли оиласаларни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 411-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 50-модда).

+

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУФИ

519 Давлат органлари ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом- ни тасдиқлаш хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
21 декабрда 1646-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 31 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-хукукий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги 256-сон қарорининг бажарилишини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ, давлат органлари ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилаш мақсадида **буюраман**:

1. «Давлат органлари ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом» иловага* мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтган санадан ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 17 ноябрь,
355-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУФИ

520 Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
23 декабрда 1127-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 2 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-475-сон қарорига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 30 мартағи 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофикаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан **буюраман**:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофикаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2002 йил 27 мартағи тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга (2002 йил 18 апрель, рўйхат раками 1127) ўзгартриш ва қўшимчалар иловага* мувофик киритилсин.
- + 2. Ушбу бўйрук Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан сўнг амалга киритилсин.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофикаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директори К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 22 ноябрь,
2006-14-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

521 Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали республика корхоналарига сотишида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 25 декабрда 1583-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2007 йил 4 янвабдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Конунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон қарорининг 9-бандини бажариш учун (Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2006 й., 31-32-сон, 309-модда) қарор қиласиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2006 йил 12 майдаги 44, 2006-26-сон қарори билан тасдиқланган Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали республика корхоналарига сотишида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар (2006 йил 13 июнь, рўйхат рақами 1583 — Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2006 й., 24-сон, 222-модда) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 7 декабрь,
99-сон

Давлат солик қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 7 декабрь,
2006-48-сон

Молия вазирлиги ва Давлат солик
кўмитасининг 2006 йил 7 декабрдаги 99,
2006-48-сон қарорига
ИЛОВА

**Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё¹
биржаси орқали республика корхоналарига сотишда қўшилган
қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали сотиш ва республика корхоналари томонидан пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш схемалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги ПҚ-456-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 36-сон, 359-модда) мувофиқ амалга оширилади».

2. 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**522 Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши
натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда
ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахслар-
га нисбатан жарималар қўллаш бўйича низомни тасдиқлаш
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
25 декабрда 1647-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 4 январдан кучга киради)

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 майдаги «2005 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-76-сон қарори ва 2006 йил 17 майдаги «2006 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-351-сон қарорининг 4-банди талаблари бажарилишини таъминлаш максадида қарор қиласиз:

1. «Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши натижасида етказила-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

диган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу карор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б. АЛИХОНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 ноябрь,
11-1481-сон

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 ноябрь,
10/8-сон

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 ноябрь,
91-сон

+

Табиатни муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги, Молия вазирлигининг
2006 йил 27 ноябрдаги 11-1481, 10/8 ва
91-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

-

**Бошоқли дон экиnlари сомонини ёқиб юборилиши натижасида
етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир
этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар
қўллаш бўйича
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 майдаги «2005 йил бошоқли дон экиnlари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-76-сон ва 2006 йил 17 майдаги «2006 йил бошоқли дон экиnlари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-351-сон қарорларининг 4-бандларига мувофиқ, бошоқли дон экиnlари сомонини ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом асосида бошоқли дон экиnlари сомонини ёқиб юборилиши

натижасида тупроққа етказиладиган заарар аниқланади ва етказиладиган заарар табиатни муҳофаза қилиш давлат органлари томонидан қонунчилликка мувофиқ, жисмоний ва юридик шахслардан ундирилади.

2. Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши натижасида ўсимликларга етказиладиган заарни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёсига етказилган заарар учун ундириладиган жарима миқдорларини хисоблаш таксаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 293-сон қарори асосида амалга оширилади.

3. Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши натижасида атмосфера ҳавосини ифлослантирганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддасига мувофиқ чора кўрилади.

II. Келтирилган заарни хисоблаш тартиби

4. Мазкур Низомда унумдор тупроқлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етишириш воситаси сифатида қаралиб, уларнинг миқдори тупроқ балл бонитети ва бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги билан белгиланади.

5. Сомонни ёқиб юбориш натижасида тупроқ унумдорлигига етказиладиган заарар миқдорини аниқлашда унга етказиладиган заарар даражаси ва тупроқнинг биосфера-даги маҳсулдорлиги мезонлар сифатида қаралади. Тупроқ унумдорлигига етказилган заарар, сомон ёниши таъсирида тупроқ унумдорлигини белгиловчи унинг таркибидаги асосий элементлар бўлган гумус ва азотнинг йўқотилган миқдоридан келиб чиқиб аниқланади.

— 6. Тупроқ унумдорлигига етказиладиган заарар қўйидаги тартибда аниқланади:
Хисоб-китоб учун тупроқнинг унумдорлиги пасайишида гумуснинг йўқолиши 12 фоиз, азотнинг йўқолиши 7,5 фоиз миқдорида қабул килинади.

Сомон ёқилиши сабабли ушбу ердаги тупроқда бўлган гумус ва азотнинг йўқолиши натижасида тупроқ унумдорлигининг камайиш бали қўйидаги формулада аниқланади.

$$\text{Тукб} = \frac{\text{Тубб} \times 12}{100} + \frac{\text{Тубб} \times 7.5}{100}$$

Бунда: Тукб — тупроқ унумдорлигининг камайиш бали;
Тубб — тупроқнинг умумий балл бонитети;
12% — гумусни йўқолиши;
7,5% — азотни йўқолиши;
Тупроқ унумдорлигининг камайиши натижасида йўқотилган ҳосил қўйидагича аниқланади:

$$\bar{Y}_x = \frac{\bar{Y}_x \times \text{Тукб}}{\text{Тубб}}$$

Бунда: Йх — тупроқ унумдорлиги камайиши натижасида йўқотиладиган ҳосил;
Ўх — жорий йилда ушбу ердан олинган ўртача ҳосилдорлик;
Тубб — тупроқнинг умумий балл бонитети;
Тукб — тупроқ унумдорлиги камайиш бали
Ҳосил йўқолиши натижасида бир гектар майдонда кўрилган заарар, бир гектар ерда йўқотилган ҳосил миқдорини 5-синф қаттиқ ва юшшоқ буғдој учун белгиланган давлат харид нархига кўпайтириб, топилган натижани умумий ёқилган майдонга кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Бошоқли экинлар донининг харид нархлари ҳар йили жорий йил ҳосили учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

Бошоқли дон экинларининг сомони ёқиб юборилиши натижасида тупроқ унумдорлигига келтирилган зарарни юқорида қайд қилинган тартибда аниқлашнинг наимунавий хисоб-китоби илова қилинади.

III. Келтирилган зарарни ундириш тартиби

7. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг худудий қўмиталари (инспекциялари), ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер ижаравчилари ва бошқа фуқаролар сомоннинг ёқилиши натижасида тупроқ унумдорлигига етказилган зарарни етказганлардан қоплашни талаб қилиши мумкин.

8. Мазкур Низомнинг 7-бандида қайд қилинган шахслар томонидан бошоқли дон экинлари ер майдонида ўрим-йиғим мавсумида ёки мавсумдан сўнг сомонни ёқиб юборганлик ҳолатлари аниқланганда, тупроқ унумдорлигига етказилган зарар суммалари худудий Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси давлат инспекторлари мазкур Низомнинг II-бўлимида қайд қилинган тартибда хисоблаб, конун бузилиш ҳолатларини содир этган юридик ва жисмоний шахслардан қонунчиликда белгиланган тартибда етказилган зарарни ундириш чораларини кўради.

9. Тупроқ унумдорлигига етказилган зарарнинг ундирилган суммасининг 50 фоизи давлат бюджетига ўтказилади, қолган қисми 100 фоиз деб олиниб, ушбу сумма, сомонни ёқиб юбориш:

+ а) ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер ижаравчилари томонидан содир этилган бўлса, белгиланган тартибда тўлиғича Табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармаларига;

б) бошқа юридик ёки жисмоний шахслар томонидан содир этилган бўлса, 50 фоизи ер эгаси (фойдаланувчи ёки ижаравчига) фойдасига, қолган 50 фоизи эса Табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармалари хисобларига ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси хузуридағи Табиатни муҳофаза қилиш Республика жамғармасига ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармаларига тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1993 йил 24 майда 246-сон қарори билан тасдиқланган «Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги низом»га асосан ишлатилади.

IV боб. Якуний қоидалар

10. Тараплар ўртасида вужудга келадиган низолар белгиланган тартибда суд томонидан ҳал этилади.

11. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси А. АБДУАЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. ҚОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 октябрь

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б. Б. УЛАШОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 октябрь

Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича низомга ИЛОВА

Бошоқли дон экини сомонини ёқиб юборилиши натижасида тупроқ унумдорлигига келтирилган заарни аниқлашнинг намунавий ҳисоб-китоби

Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасида тупроқнинг ўртача бонитети 41 баллга teng, бошоқли доннинг ўртача ҳосилдорлиги 2005 йилда гектаридан 24 центнерни ташкил этди.

1. Тупроқ унумдорлигига етказиладиган заар қўйидаги тартибда хисобланади:
 - 1.1 Ҳисоб-китоб учун тупроқнинг унумдорлиги пасайишида гумуснинг йўқолиши 12 фоиз, азотнинг йўқолиши 7,5 фоиз миқдорида қабул қилинади. (Ушбу миқдор кўп йиллик тажриба натижасига асосланиб аниқланган.)
 - 1.2 Сомон ёқилиши сабабли ушбу ердаги тупроқда бўлган гумус ва азотнинг йўқолиши натижасида тупроқ унумдорлигининг камайиш бали қўйидаги формулада аниқланади.

$$\text{Тукб} = \frac{\text{Тубб} * 12}{100} + \frac{\text{Тубб} * 7,5}{100} = \frac{41 * 12}{100} + \frac{41 * 7,5}{100} = 4,92 + 3,08 = 8 \text{ балл}$$

бунда: Тукб — тупроқ унумдорлигининг камайиш бали;

Тубб — тупроқнинг умумий балл бонитети;

- 1.3 Тупроқ унумдорлигининг камайиши натижасида йўқотилган ҳосил қўйидагича аниқланади:

$$\bar{x} = \frac{\bar{x} \times \text{Тукб}}{\text{Тубб}} + \frac{24 \times 8}{41} = 4,68 \text{ ц/га}$$

Бунда: \bar{x} — тупроқ унумдорлиги камайиши натижасида йўқотиладиган ҳосил;

\bar{x} — жорий йилда ушбу ердан олинган ўртача ҳосилдорлик;

Тубб — тупроқнинг умумий балл бонитети;

Тукб — тупроқ унумдорлиги камайиш бали

- 1.4 Ҳосил йўқолиши натижасида бир гектар майдонда кўрилган заар, бир гектар ерда йўқотилган ҳосил миқдорини 5-синф қаттиқ ва юмшоқ буғдој учун

белгиланган давлат харид нархига кўпайтириб, топилган натижани умумий ёқилган майдонга кўпайтириш йўли билан аниқланади.

4,68 ц/га x 6783 сўм/ц = 31744 сўм/га зарар кўрилади.

Бунда — 6783 сўм 1 центнер 5-синф қаттиқ ва юмшоқ буғдойнинг 2005 йил харид нархи.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ
ҚАРОРИ**

523 Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
27 декабрда 1648-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

+

(2007 йил 6 январдан кучга киради)

-

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Лизинг тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Марказий банк Бошқаруви **қарор қиласди**:

1. Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсан.
3. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб, Марказий банк Бошқарувининг қуийидаги қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан:
 - «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» 1999 йил 7 майдаги 9/7-сонли қарор (1999 йил 20 июль, рўйхат рақами 776);
 - «Тижорат банкларида лизинг операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 25 ноябрдаги 26/7-сонли қарор.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 октябрь,
25/6-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Марказий банк Бошқарувининг
2006 йил 21 октябрдаги 25/6-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Лизинг тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ банклар томонидан лизинг операцияларини амалга ошириш ҳамда лизинг операцияларини амалга ошириш билан боғлик бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари банклар томонидан микролизинг операцияларини амалга ошириш тартибига ҳам татбиқ қилинади.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

лизинг (молиявий ижара) — бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сошиб олишни ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беришни назарда тутадиган ижара муносабатларининг алоҳида тури;

микролизинг — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада бериладиган лизинг;

лизинг объектлари — тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк (ер участкалари ва бошқа табиий объектлар, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулклар бундан мустасно);

лизинг субъектлари — лизинг берувчи, лизинг олувчи ҳамда сотувчи.

лизинг берувчи — лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг объектини мулк қилиб олувчи банк;

лизинг олувчи — лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун олаётган шахс;

сотувчи — лизинг объектини лизинг берувчига сотадиган шахс;

лизинг шартномаси муддати — лизинг шартномаси бўйича томонлар мажбуриятларининг тўла бажарилгунгача бўлган давр;

лизинг муддатининг бошланиши — лизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчининг лизинг объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни бошлаган сана, яъни лизинг объектини дастлабки (бошланғич) тан олиш санаси;

лизинг тўловлари — лизинг берувчининг лизинг объектини олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек лизинг объектини етка

зид бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларининг лизингга олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчи даромади йигиндиси;

минимал лизинг тўловлари — лизинг олувчи ёки унинг кафолатчиси (кафили) томонидан лизинг шартномасига кўра лизинг берувчига унинг лизинг обьектини сотиб олиш ва уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатларини, лизинг даромади (фоизи) қўшилган холда лизинг муддати давомида тўланиши лозим бўлган сумма;

лизинг берувчининг даромади — лизинг тўловлари билан лизинг обьектини сотиб олиш, уни етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган, лизинг берувчи томонидан лизинг операциясини амалга ошириш натижасида оладиган фоиз даромади;

лизинг объектининг ҳаққоний қиймати — муайян бир санада лизинг обьектини сотиб олиш ёки лизинг обьектини сотиб олиш бўйича битим тузишли хоҳловчи бир-бирига қарам бўлмаган хабардор томонлар ўртасидаги мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган сумма;

дискоントлаш — келгусида аник бир вактда олиниши кутилаётган пул маблағларининг жорий эквивалентини аниқлаш;

лизинг объектининг хизмат муддати — лизинг обьектига қонун ҳужжатлари асосида амортизация хисобланадиган давр;

дастлабки билвосита харажатлар — лизинг шартномасини тузиш ва лизингни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ва лизинг обьекти қийматига қўшилмайдиган харажатлар;

дастлабки бевосита харажатлар — лизинг обьектини етказиб бериш, уни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган ва лизинг обьекти қийматига қўшиладиган харажатлар.

2. Банклар фақат лизинг шартномаси муддати тугаганидан кейин лизинг обьекти лизинг олувчининг мулкига ўтишини кўзда тутувчи лизинг операцияларини амалга ошириши мумкин.

Бунда лизинг олувчи лизинг берувчи банкка лизинг обьектини сотиб олиш, уни етказиб бериш, ишга тайёр ҳолга келтириш билан боғлиқ барча харажатларини ва келишилган фоизлар тўловини амалга ошириши лозим.

3. Лизинг берувчи банк лизинг обьектини сотувчидан келгусида унинг ўзига лизинг асосида фойдаланиш учун бериш мақсадида сотиб олган тақдирда бир шахснинг ўзи ҳам лизинг олувчи, ҳам сотувчи бўлишига йўл қўйилади.

4. Лизинг операциялари молиявий барқарор бўлган хўжалик юритувчи субъектларга тўловлилик, таъминланганлик, банк томонидан лизинг обьектини сотиб олишга инвестиция қилинган кредит маблағларини қайташилик ва мақсадга мувофик фойдаланишлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

5. Лизинг операцияси лизинг обьекти лизинг олувчи томонидан бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ишлатилиши кўзда тутилган ҳолларда кўрсатилади.

Қиморхоналар ва биллиардхоналарни ташкил этишда лизинг обьектини кўллаш кўзда тутилган ҳолларда лизинг хизматларини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

6. Лизинг бўйича молиявий ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши, ўйқолиши, ўғирланиши, шикастланиши, бузилиши ва барвакт эскириши хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарардан лизинг обьектини суғурталаш тарафларнинг келишувига биноан суғурталана-

ди. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи лизинг объекти суфуртаси учун жавобгар бўлади.

7. Лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўзаро келишган холда қонун хужжатларига мувофик лизинг обьектини жадал амортизация қилишни кўллаш хукуқига эга.

8. Банклар қонун хужжатлари ҳамда ушбу Низом асосида лизинг хизматлари кўрсатишнинг ички тартибини ишлаб чиқишилари лозим. Мазкур ички тартибларда қонун хужжатлари ва ушбу Низомга зид меъёрларни ўрнатилишига йўл қўйилмайди.

II. Лизинг шартномасини расмийлаштириш тартиби ва шартлари

9. Лизинг олувчи лизинг шартномасини тузиш учун унинг асосий депозит ҳисобварафига хизмат кўрсатаётган банкка қўйидаги хужжатларни тақдим этиши лозим:

лизинг буюртмаси;

лизинг обьектининг техник-иктисодий кўрсаткичлари ва унинг сотувчиси тўғрисидаги маълумотнома;

лизингнинг бутун даврини ичига олган пул оқими таҳлили кўрсатилган бизнес-режа;

охирги хисобот санасига туман (шахар) давлат солиқ инспекцияси томонидан қабул қилинган бухгалтерлик баланси (1-шакл), молиявий натижалари ҳақида хисобот (2-шакл), муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликни солиштириш даголатномалари.

Лизинг берувчи банклар лизинг бериш юзасидан қарор қабул қилиш учун лизинг олувчидан унинг лизинг тўловларини амалга ошириш имкониятларини баҳолаш учун зарур бўлган хужжатларни сўраб олишлари мумкин.

10. Буюртма лизинг берувчи банк томонидан кўриб чиқилаётганда қўйидаги-ларнинг таҳлили амалга оширилади:

буюртма берувчи даромадларининг лизинг тўловларини амалга ошириш учун етарлилиги;

буюртмада баён этилган маълумотларнинг бир-бирига зид эмаслиги;

лизинг берувчи банк олдидаги мажбуриятларни буюртма берувчи томонидан ўз вақтида бажариш имкониятининг мавжудлиги.

11. Лизинг обьекти шартномага мувофик лизинг берувчи банк томонидан лизинг обьектини сотиб олишга, лизинг обьектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли холга келтириш билан боғлиқ ва бошқа харажатларини қайтариш ҳамда лизинг даромади (фоизи) тўловини амалга ошириш таъминоти вазифасини бажариши мумкин.

Бунда лизинг обьекти лизинг олувчи томонидан лизинг берувчи банк фойдасига ўйқолиш ва шикастланиш ҳодисаларидан ихтиёрий суфурта қилиниши ва бу тўғрисида суфурта полисини банкка тақдим этилиши шарт.

Лизинг берувчи лизинг операциясини амалга ошириш натижасида сарфланган маблағларнинг қайтарилиши ва лизинг фоизи тўланишининг кафолати сифатида лизинг олувчидан бошқа таъминот шаклларини тақдим этишни талаб қилиши мумкин.

12. Лизинг фоиз ставкалари миқдори лизинг олувчи ва лизинг берувчи банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра лизинг шартномасида белгиланади.

13. Лизинг олувчининг буюртмаси бўйича лизинг берувчи банк томонидан

лизинг операциясини амалга ошириш ёки оширмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш муддати буюртма банкка келиб тушган кундан бошлаб 30 иш кунидан, микролизинг операциясини амалга ошириш бўйича эса 10 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Лизинг операциясини амалга ошириш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, лизинг берувчи банк лизинг олувчига бу ҳақда рад этиш сабабини асослаган ҳолда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

14. Лизинг операциясини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бу ҳақда лизинг олувчига билдирилади ҳамда лизинг берувчи банк ва лизинг олувчи ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг шартномаси тузилади.

Лизинг обьекти ҳисобланган мол-мулк бўйича тузиладиган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда лизинг шартномаси нотариал тасдиқланиши лозим.

15. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, лизинг шартномаси қўйидаги шартлардан бирига жавоб бериши керак:

а) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг обьекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

б) лизинг шартномасининг муддати лизинг обьекти хизмат муддатининг 80 фойзидан ортиқ бўлса ёки лизинг обьектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдик қиймати унинг бошлангич қийматининг 20 фойзидан кам бўлса;

в) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг олувчи лизинг обьектини унинг бозор қийматидан паст нархда сотиб олиш хукуқига эга бўлса, бунда ана шу хукуқни амалга ошириш қунидаги лизинг обьекти қиймати асос бўлади;

г) лизинг шартномаси амал қиласиган давр учун лизинг тўловларининг умумий суммаси лизинг обьекти қийматининг 90 фойзидан ортиқ бўлса.

16. Лизинг шартномасида лизинг шартномаси бошлангандан то тугагунга қадар лизинг обьектининг қиймати бўйича вужудга келадиган ўзгаришларни инобатга олиб, лизинг тўловлари суммасига тарафларнинг келишувига биноан тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш шартлари кўзда тутилиши мумкин.

17. Лизинг шартномаси тузилганидан сўнг лизинг берувчи банк ва сотувчи ўртасида лизинг обьектининг олди-сотди шартномаси тузилади. Бунда лизинг берувчи банк сотувчига мол-мулк муайян лизинг олувчига бериш учун сотиб олинаётганлигини билдириши шарт.

18. Лизинг обьектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси имзоланиб, мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хукуқи лизинг олувчига ўтганидан сўнг лизинг операцияси амалга оширилган ҳисобланади.

19. Лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг обьекти сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилади.

Фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси лизинг олувчи томонидан расмийлаштирилади ва лизинг берувчи банк, лизинг олувчи ҳамда сотувчи томонидан имзоланади.

20. Лизинг обьекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг обьекти етказиб берилган тақдирда, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчи:

лизинг тўловини амалга оширишни кечикитириш;

етказиб бериладиган лизинг обьектидан воз кечиш;

лизинг шартномасининг бекор қилинишини лизинг берувчидан талаб этиш;

лизинг шартномасини бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик натижасида етказилган заарларни тўлашни лизинг берувчидан талаб қилишга ҳақлидир.

21. Лизинг берувчи банк ҳар бир лизинг операцияси бўйича лизинг йигма жилдини шакллантиради.

Лизинг йигма жилда қўйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- лизинг олувчининг буюртмаси;
- лизинг шартномаси;
- лизинг олувчининг охирги хисбот санасига бухгалтерия баланси;
- лизинг олувчининг лизинг бўйича бизнес-режаси;
- лизинг олувчининг тўлов қобилияти ва унинг бизнес-режасининг самарадорлиги тўғрисида лизинг берувчи банкнинг хулосаси;
- суурта компаниясининг лизинг объектини суурта қилинганлиги тўғрисидаги суурта полиси;
- лизинг берувчининг лизинг объектини лизинг олувчига етказиб берилиши тўғрисидаги буюртмаси;
- лизинг объектиning олди-сотди шартномаси;
- лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси;
- лизинг объектига сотувчи томонидан берилган техник кафолат;
- лизинг операцияси ҳамда таъминоти характеристидан келиб чиқсан ҳолда олинган бошқа ҳужжатлар.

Лизинг шартномаси юзасидан қўшимча келишув тузилган тақдирда, у ҳам лизинг олувчининг лизинг йигма жилдига тикиб қўйилади.

22. Лизинг олувчи лизинг шартномасида белгиланган муддат давомида лизинг объектига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳукуқини олади.

Лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси бўйича ўзида пайдо бўлган ҳукуқ, мажбурият ва бошқа манфаатларни учинчи шахсга ўтказиш (қўшимча лизинг)га фақат лизинг берувчининг ёзма розилиги асосида рухсат этилади.

23. Лизинг олувчи сотувчи томонидан лизинг объектига берилган техник кафолатдан фойдаланади.

Лизинг объектини ўз вақтида етказиб берилиши ва бутланиши ҳамда уни ўрнашишга доир мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича сотувчидан талаб қилиш ҳукуқини лизинг олувчига ўз зиммасига олиши лизинг шартномасида белгиланиши мумкин.

III. Лизинг берувчи банкда лизинг хисоби

§ 1. Лизингни дастлабки тан олиш

24. Лизинг берувчи банкларда лизингга берилган активлар хисоби 15600 — «Лизинг (молиявий лизинг)» хисобваракларида юритилади.

25. Дастлабки тан олиш лизинг шартномасининг амал қилиш муддати бошланшида амалга оширилади. Бунда, лизинг берувчи банк лизингга берилган лизинг объектини ўз балансида соф инвестицияси қиймати, яъни лизинг объектини сотиб олиш, уни лизинг олувчига етказиб бериш ва фойдаланишга шай ҳолга келтириш билан боғлик харажатлар йигиндиси ёки унинг хаққоний қийматида, уларнинг қайси бири кичик бўлса ўша суммада актив сифатида тан олади.

26. Лизинг берувчи банк лизинг объекти учун тўловларни сотувчига олдиндан тўлаб бериб лизинг объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб берилса, ли-

зинг берувчи банк фойдаланишга қабул қилиш далолатномасига асосан мемориал ордер тўлдириб, қуйидаги бухгалтерия амалларини бажаради:

Дт 19909 Товар-моддий кимматликлари учун тўланган маблағлар;
Кт Банкнинг вакиллик хисобварафи;

Дт 15600 Лизинг (молиявий ижара) (тегишли мос хисобварак);
Кт 19909 Товар моддий кимматликлар учун тўланган маблағлар.

27. Лизинг обьекти аввал лизинг берувчи банк балансига кирим қилиниб, сўнгра лизинг олувчига лизингга берилса қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дт 16500 Асосий воситалар (тегишли мос хисобвараги);
Кт 19909 Товар-моддий кимматликлари учун тўланган маблағлар;

Дт 15600 Лизинг (молиявий ижара) (тегишли мос хисобвараги);
Кт 16500 Асосий воситалар (мос хисобварак).

28. Лизинг берувчи банк томонидан амалга оширилган ва лизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчи томонидан қопланадиган дастлабки бевосита харажатлар лизинг обьектининг қийматига қўшилади.

Лизинг шартномасига мувофиқ юкоридаги харажатлар лизинг олувчи томонидан қопланмаган тақдирда, мазкур харажатлар юзага келган пайтдаги тегишли хисобот даври харажатлари сифатида тан олинади.

§ 2. Лизингнинг кейинги ҳисоби ва уни баҳолаш

+

29. Лизинг берувчи банк томонидан лизинг обьекти дастлабки тан олинганидан сўнг, кейинги ҳисоб лизинг олувчи томонидан тўланадиган лизинг бўйича асосий қарз суммасини (дастлабки тан олинган суммани) ва у бўйича фоизларнинг ҳисобини юритишдан иборат. Кейинги ҳисоб лизинг обьектини баҳолаб боришини ҳам ўз ичига олади.

30. Дастлабки тан олишда ёки обьектни лизингга бериш (олиш) вақтида лизинг берувчининг даромади (лизинг олувчининг лизинг фоизи бўйича харажатлари) бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

31. Минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қийматини ҳисоблашда дисконтлайдиган омил бўлиб, агар уни аниқлашнинг имконияти бўлса, лизинг шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси ҳисобланади, акс ҳолларда, қарз сармояси бўйича ўсиб борувчи фоиз ставкасидан фойдаланилади.

32. Лизинг шартномасида лизинг берувчи ва лизинг олувчи лизинг тўловлари жадвали (тартиби)ни келишиб олади. Лизинг тўловлари жадвалида лизинг берувчи банкнинг даромади (фоизи)ни тўлаш ҳамда лизинг обьекти қийматини қоплаш бўйича лизинг олувчининг мажбуриятлари ва уларнинг лизинг муддати давомида тақсимланиши кўрсатилади.

Лизинг тўловлари жадвалида лизинг берувчининг даромади лизинг шартномаси муддати давомида мунтазам равишда даврлар бўйича тенг тақсимланиши акс эттирилиши лозим. Бунда, лизинг шартномасининг ҳар бир даврида қопланмаган мажбуриятлар қолдигига доимий фоиз ставкаси қўлланилади.

33. Лизинг берувчи банкнинг даромади лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларининг амалга оширилишидан қатъи назар, тегишли ҳисобот давларида лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ ҳисобланади.

34. Лизинг берувчи банк томонидан лизинг бўйича фоизли даромадлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дт 16323 Лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар;

Кт 45100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар (тегишли мос ҳисобварақ).

35. Лизинг тўловлари келиб тушган холларда кўйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дт Кассадаги накд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари ёки мижознинг депозит ёки банкнинг вакиллик ҳисобвараги (умумий суммага);

Кт 15600 Лизинг (молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобварақ) (асосий қарз суммасининг қайтарилган суммасига);

Кт 16323 Лизинг (молиявий ижара) бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар (фоизли даромад суммасига).

36. Лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг лизинг тўловларини тўлаш шартлари тўлиқ бажарилган тақдирда 15600 Лизинг (молиявий ижара) ва 16323 Лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар ҳисобвараклари қолдиги нолга teng бўллади.

Лизинг олувчи томонидан лизинг обьекти лизинг шартномаси муддати тугамасидан олдин сотиб олинган холларда ҳам ушбу ҳисобвараклардаги қолдиқ нолга teng бўллади.

37. Лизинг обьекти лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси шартлари бузилганлиги сабабли қайтариб олинганида, лизинг берувчи ушбу активнинг тақдирини ҳал этгунга қадар уни ўз балансига кўйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали қабул қиласди:

Дт 16705 Банкнинг бошқа кўчмас мулклари;

Кт 15600 Лизинг (молиявий ижара) (мос ҳисобварақ).

+

38. Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловлари ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда активга «Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида»ги низомга (2004 йил 24 январь, рўйхат раками 1304) асосан ўстирмаслик мақоми берилади ва активнинг келгуси ҳисоби мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

39. Лизинг «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тўғрисида»ги низом (1999 йил 11 февраль, рўйхат раками 632) талабларидан келиб чиқсан ҳолда таснифланади.

IV. Лизинг олувчи банкда лизинг ҳисоби

§ 1. Лизингни дастлабки тан олиш

40. Банклар лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи сифатида иштирок этган тақдирда лизингга олинган активлар ҳисоби 16515 — Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқининг, лизинг бўйича юзага келган мажбуриятлар эса 22100 — Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятларнинг тегишли мос ҳисобваракларида юритилади.

41. Лизинг лизинг олувчи банкнинг молиявий ҳисботларида ҳам актив ҳам мажбурият сифатида тан олинади. Ушбу дастлабки тан олиш лизинг шартномаси муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда, лизинг олувчи банк лизинг обьектини ўз балансида соф инвестиция қиймати ёки унинг ҳаққоний қийматининг қайси бири кичик бўлса ўша суммада акс эттиради.

42. Лизингни дастлабки тан олишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:

Дт 16515 Объектларни лизингга олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуки;

Кт 22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятларнинг тегишли мос ҳисобварафи.

43. Лизинг олувчи банк томонидан амалга оширилган лизинг объектини сотиб олиш, етказиб бериш ёки белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлик харажатлар лизинг объектининг қийматига қўшилади.

Лизинг обьекти лизинг олувчи банк балансида актив ва мажбуриятларнинг алоҳида моддалари сифатида акс эттирилиши лозим. Лизинг бўйича мажбуриятни актив суммасидан чегириб ташлаган ҳолда (контр-актив ҳисобварақ сифатида) кўрсатишга рухсат этилмайди.

§ 2. Лизинг олувчи банкда лизингнинг кейинги ҳисоби ва уни баҳолаш

44. Лизинг олувчи банк томонидан лизинг дастлабки тан олингандан сўнг кейинги ҳисоб мажбурият бўйича асосий қарз суммасини (дастлабки тан олинган суммани) ва лизинг бўйича фоизлар тўлаш ҳисобини юритишдан иборат.

Кейинги ҳисоб, лизинг билан боғлик барча хавф-хатарлар лизинг олувчига ўтганлиги сабабли лизинг олувчи банк томонидан лизинг обьектини баҳолаб бориши, амортизация ажратмаларини ва шартномада кўзда тутилган бошқа харажатларни амалга ошириш ишларини ҳам ўз ичига олади.

45. Дастлабки тан олишда ёки обьектни лизингга олиш вақтида лизинг олувчи банкнинг лизинг фоизи бўйича харажатлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

46. Лизинг шартномасида лизинг олувчи банк ва лизинг берувчи лизинг тўловлари жадвалини келишиб олади, унда лизинг олувчи банкнинг фоизли харажатлари, лизинг обьектининг қийматини қоплаш бўйича мажбуриятлар ва уларнинг лизинг муддати давомида тақсимланиши кўрсатилади.

47. Лизинг тўловлари жадвалида лизинг олувчи банкнинг фоизли харажатлари лизинг шартномасининг амал қилиш муддати давомида даврлар бўйича тенг тақсимланиши акс эттирилиши лозим. Бунда, лизинг шартномасининг ҳар бир даврида қопланмаган мажбуриятлар қолдигига доимий фоиз ставкаси қўлланилади.

48. Лизинг олувчи банк томонидан лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ лизинг бўйича фоизли харажатлар ҳисобланганда қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дт 54198 Бошқа банклардан олинган лизинг бўйича фоизли харажатлар ёки

Дт 54199 Бошқа лизинг берувчилардан олинган лизинг бўйича фоизли харажатлар;

Кт 22408 Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар.

49. Лизинг олувчи банк томонидан лизинг тўловлари қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дт 22408 Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар;

Дт 22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар;

Кт Банкнинг вакиллик ёки лизинг берувчининг депозит ҳисобварафи.

50. Лизинг олувчи банк томонидан лизинг обьекти бўйича амортизация ажратмалари «Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқнома» (2004 йил 17 декабрь, рўйхат рақами 1434) талабла-

ри асосида амалга оширилади ва қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 56626 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш хуқуки бўйича эскириш суммаси;

Кт 16519 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш хуқуки бўйича йифилган эскириш суммаси (контр-актив).

51. Аниқ бир даврдаги лизинг олувчи банкнинг лизинг обьекти бўйича амортизация ажратмаси ва молиявий харажатлари (лизинг бўйича фоизлари) суммаси мазкур даврда тўланиши керак бўлган лизинг тўловлари суммасига тенг бўлмаслиги мумкин.

52. Лизинг обьектини йиллик қайта баҳолаш лизинг олувчи банк томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

53. Лизинг олувчи банк томонидан охирги тўловлар амалга оширилганидан кейин 16515, 16519, 22100 ва 22408 баланс ҳисобварақларида мазкур лизинг операциялари бўйича очилган шахсий ҳисобварақлар (аналитик ҳисоб) қолдиги нолга тенг бўлади ва мулкка эгалик хуқуки лизинг олувчига ўтади.

Лизинг обьектининг лизинг олувчи банкка ўтказиш қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дт 16500 Асосий воситалар (тегишли мос ҳисобварак);

Дт 16519 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш хуқуки бўйича йифилган эскириш суммаси (контр-актив);

Кт 16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш хуқуки;

Кт 165xx Йифилган эскириш суммаси (тегишли мос ҳисобварак).

54. Лизинг шартномаси муддати охирида лизинг олувчи банкка лизинг обьектининг сотиш санасидаги ҳақконий қийматидан паст нархда сотиб олиш хуқуки берилган бўлса, сотиб олиш қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

Дт 22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар;

Кт Банкнинг вакиллик ёки лизинг берувчининг депозит ҳисобвараги;

22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар ҳисобвараги ёпилганидан сўнг, лизинг обектига бўлган мулк хуқуки лизинг олувчига ўтади ва бунда 36-бандда кўрсатилган бухгалтерия ўтказмалари бажарилади.

55. Лизинг шартномаси унинг амал қилиш муддатидан олдин тўхтатилиб, лизинг берувчи томонидан лизинг обьекти шартнома шартларида белгиланган тартибда олиб кўйилган тақдирда, лизинг обьектини лизинг берувчига қайтариш лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тўхтатилган санадаги лизинг обьектининг қопланмаган қиймати суммасида амалга оширилади ва бунда қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дт 16519 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш хуқуки бўйича йифилган эскириш суммаси (контр-актив);

Кт 16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш хуқуки.

56. Лизинг обьектининг ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) лизинг обьектининг қолдик (баланс) қиймати ва лизинг тўловлари жадвали бўйича қолган қарз ўртасидаги фарқ сифатида лизинг обьектининг ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Лизинг обьектининг ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) аниқлаганида, олдинги қайta баҳолашлардаги лизинг обьекти қийматининг кўпайган суммаси, яъни олдинги баҳолашлар натижасида 30908 «Бошлангич қий-

+

матга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» хисобварафининг кредит қолдиги лизинг объектининг чиқиб кетишидан кўрилган даромад таркибига қўшилади ва бир вақтнинг ўзида ушбу хисобварак бўйича резерв капиталини камайтиради.

V. Лизинг бўйича маълумотларни ошкор этиш

57. Лизинг олувчи банк лизинг бўйича қуйидаги маълумотларни ошкор этади:

- 1) хисобот санасига лизингга берилган активларнинг ҳар бир синфи бўйича соғ баланс қиймати;
- 2) хисобот санасига жами келгуси минимал лизинг тўловлари билан уларнинг жорий дисконт қиймати таққосламаси;
- 3) қуйидаги даврларнинг ҳар бири бўйича хисобот санасига жами келгуси минимал лизинг тўловлари билан уларнинг жорий дисконт қиймати тўғрисидаги маълумотлар:
 - а) бир йилгача бўлган муддат;
 - б) бир йилдан ортиқ, лекин беш йилдан ортиқ бўлмаган муддат;
 - в) беш йилдан ортиқ бўлган муддат;
- 4) лизинг олувчининг муҳим лизинг шартномаларининг қуйидагиларни ўз ичиға олган, лекин булар билан чегараланмаган ҳолда умумий тавсифи:
 - а) шартномага киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг мавжудлиги ва шартнома шартларининг ўзгартирилиши ва янги киритилган шартларнинг хариднинг қулайлилига таъсири имкониятлари;
 - б) лизинг шартномаси шартларига асосан қўшимча қарздорлик ва келгуси лизинг битимида ўрнатилган чеклашлар.

58. Лизинг берувчи банк қуйидаги маълумотларни ошкор этади:

- 1) хисобот санасига лизингга қилинган ялпи лизинг инвестицияси билан хисобот санасига олиниши керак бўлган бўлгуси минимал лизинг тўловларининг жорий дисконт қиймати билан таққосланмаси;
- 2) қуйидаги даврларнинг ҳар бири бўйича хисобот санасига лизингга қилинган ялпи лизинг инвестицияси ва олиниши керак бўлган келгуси минимал лизинг тўловларининг жорий дисконт қиймати тўғрисидаги маълумотлар:
 - бир йилгача бўлган муддат;
 - бир йилдан ортиқ, лекин беш йилдан ортиқ бўлмаган муддат;
 - беш йилдан ортиқ бўлган муддат;
- 3) олиниши молиявий даромад;
- 4) олиниши лозим бўлган минимал лизинг тўловлари бўйича шаклланган умидиз қарздорлик бўйича йигилган захира;
- 5) лизинг берувчи банк томонидан имзоланган муҳим лизинг шартномаларининг умумий тавсифи;
- 6) давр мобайнида лизинг шартномалари бўйича тегишли маблағларнинг ялпи инвестициядан чегирган ҳолдаги маълумотлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

524 Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотлари-ни танлаш ва мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низом-ни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
29 декабря 1649-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 8 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жихатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Адлия вазирлиги **қарор қиласиди:**

— 1 Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш ва мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

+

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

Давлат мулки қўмитаси раиси Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 декабрь,
01/19-18/08-сон

Адлия вазири Ф. ОТАХОНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 декабрь,
37-сон

Давлат мулки қўмитаси ва Адлия
вазирлигининг 2006 йил 29 декабрдаги
01/19-18/08, 37-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатлари бўйича
мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш ва
мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда — Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 марта ги 140-сон қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини (кейинги ўринларда — ижро хужжатлари) ижро этиш бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлов асосида танлаш ва мол-мулкни сотиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом қоидалари ижро хужжатлари асосида хатланиб, аукцион савдолари орқали ёхуд қонунчиликда белгиланган бошқа усулда сотилиши белгиланган мол-мулкка нисбатан татбиқ этилмайди.

**II. Ижро хужжатларига асосан мол-мулкни сотиш бўйича савдо
ташкилотлари ўткасида танлов ўтказиш**

§ 1. Асосий қоидалар

2. Ижро хужжатларига асосан мол-мулкни сотиш бўйича савдо ташкилотларини танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг (кейинги ўринларда — Суд департаменти) худудий бошқармалари томонидан танлов асосида амалга оширилади.

3. Танлов ўтказишдан асосий мақсад ҳар бир туман (шахар) бўйича ёки алоҳида турдаги мол-мулкларни сотиш бўйича энг мақбул савдо ташкилотларини аниқлашдан иборат.

4. Танловнинг барча катнашчиларига тенг танлов шартларини яратиш, ошкоралик, талабларнинг ягоналиги ва баҳо беришда холислик танлов ўтказишнинг асосий тамойиллари хисобланади.

§ 2. Танлов комиссияси

5. Танлов ижро хужжатларига асосан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотини аниқлаш мақсадида ташкил этилган танлов комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) томонидан ўтказилади.

6. Комиссия Суд департаменти директори буйруғи асосида 7 кишидан иборат қўйидаги таркибда тузилади:

Суд департаментининг худудий бошқармаси бошлиғи — Комиссия раиси;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг жойлардаги (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар) адлия бошқармалари вакили — Комиссия аъзоси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг худудий бошқармаси вакили — Комиссия аъзоси;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, ракобатни ва тадбиркорликни ривожлантириш давлат қўмитасининг худудий бошқармаси вакили — Комиссия аъзоси;

Суд департаменти худудий бошқармасининг суд қарорларини ижро этиш бўлими бошлиғи, ички хавфсизлик инспекцияси бош инспектори ҳамда статистика ва тахлил бўйича етакчи инспектор — Комиссия аъзолари хисобланади.

Зарурат туғилганида, маҳсус билим талаб қиласидаги масалалар бўйича хулоса бериш учун Комиссия йиғилишларига маслаҳат овози билан эксперт (мутахассис)лар жалб қилиниши мумкин.

7. Комиссия:

танлов ўтказиш вақти, жойи ва шартлари тўғрисида эълон бериш бўйича қарор қабул қиласиди;

танлаб олинган савдо ташкилотлари билан тузиладиган намунавий шартнома лойиҳасини тасдиқлади;

танлов ғолибларини аниқлайди;

танлов ўтказиш бўйича бошқа вазифаларни амалга оширади.

Комиссия аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли хисобланади.

— Комиссия аъзолари талабгорлар ҳужжатларининг холисона кўриб чиқилиши ва баҳоланиши учун жавобгар хисобланадилар.

+

8. Комиссиянинг ишчи органи вазифалари Суд департаментининг худудий бошқармаларида статистика ва таҳлил бўйича масъул бўлинма (ходим) зиммасига юклатилади.

Ишчи орган:

танловга қатнашиш учун талабгорлардан тушган аризаларни қабул қиласиди;

оммавий ахборот воситаларида танлов ўтказиш тўғрисида эълон беради;

Комиссия баённомаларини юритади;

манфаатдор шахсларни танлов шартлари ҳамда намунавий шартнома шакли билан таниширади;

савдо ташкилотлари томонидан шартнома шартлари бажарилишини назорат қиласиди;

танлов бўйича келиб тушган ва юритиладиган ҳужжатларнинг хисобини, саклашишини ҳамда маҳфийлигини таъминлайди;

Комиссиянинг топшириги асосида бошқа вазифаларни амалга оширади.

§ 3. Танлов ўтказишга тайёргарлик кўриш

9. Комиссия танлов бошланишидан камида ўттиз кун олдин оммавий ахборот воситаларида танлов ўтказиш тўғрисида эълон беради. Эълон бериладиган оммавий ахборот воситалари рўйхати Суд департаменти томонидан белгиланади.

Эълонда қўйидагилар кўрсатилиши шарт:

танлов ўтказадиган органнинг номи;

танлов ўтказиш жойи, санаси ва вақти;

танлов шартлари ва танлов ғолибларини аниқлаш мезонлари;

тандовда иштирок этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати;
ариза ва ҳужжатларни қабул қилиб олиш жойи ва манзили;
тандовда иштирок этиш учун аризалар тақдим этишининг охирги муддати.

10. Суд департаментининг тегишли худудий бошқармаси тандов эълон қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай бу ҳақда Суд департаментига хабар беради. Суд департаменти масъул ходими тандовларда кузатувчи сифатида қатнашиши мумкин.

11. Тандов ҳар йили бир марта ўтказилади. Зарурият туғилган ҳолларда Комиссия томонидан навбатдан ташқари тандов ўтказилиши ҳам мумкин.

12. Савдо ташкилотлари ўртасидаги тандов ҳар бир туман (шаҳар) бўйича олдиндан белгилаб бериладиган ғолиблар сони (камиди иккита) миқдорида ўтказилади.

Зарур ҳолларда, маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, алоҳида турдаги мол-мулкларни (озиқ-овқат маҳсулотлари; кийим-кечак; техник ва маишӣ товарлар; қурилиш маҳсулотлари ва бошқ.) сотиш учун ихтисослаштирилган ваколатли савдо ташкилотлари аниқланиши мумкин.

Кўйидаги турдаги мол-мулклар ихтисослаштирилган ваколатли савдо ташкилотлари орқали сотилади:

қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо (ярим қимматбаҳо) тошлардан ясалган буюмлар бўйича;

маҳсулдор ва иш моллари, асалари оиласлари, ем-хашиб, бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича;

сотиш учун алоҳида рухсатнома ёхуд лицензия талаб қилинадиган бошқа маҳсулотлар бўйича;

Комиссия томонидан белгилаб берилган бошқа мол-мулклар бўйича.

Комиссиянинг қарори билан алоҳида турдаги мол-мулкларни сотиш учун ихтисослаштирилган савдо ташкилотлари вилоят миқёсида ҳам аниқлаб берилиши мумкин.

13. Маданий бойликлар (тариҳий, бадиӣ, илмий қимматга эга бўлган қимматбаҳо асарлар, ноёб қўллётзмалар, антиквар маҳсулотлар ва бошқалар) бўйича ваколатли савдо ташкилотлари Суд департаменти томонидан республика миқёсида аниқлаб берилади.

§ 4. Тандовда иштирок этиш шартлари

14. Тандовда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шобчаси ва назорат-касса машинаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Кўйидаги юридик шахслар тандовга қатнашишга қўйилмайдилар:

қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;

олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;

охирги 2 йил ичиди ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганилиги сабабли шартнома бекор килинган бўлса.

15. Тандовда иштирок этиш истагини билдирган савдо ташкилоти Суд департаментининг тегишли худудий бошқармасига рўйхат асосида қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) Комиссия номига ариза;

б) давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

- в) савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- г) савдо ташкилотининг олдинги хисобот йили учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шакллар) нусхаси;
- д) савдо ташкилотида назорат касса машинасининг мавжудлиги тўғрисида давлат солик хизмати органларининг маълумотномаси;
- е) савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳукуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- ж) савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10x15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташки ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);
- з) мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек 10x15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташки ва ички кўринишлари акс эттирилади) ва уларга бўлган ҳукуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;
- и) савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;
- к) талабгорнинг мажбуриятлардан холи пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;
- л) талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотища иштирок этиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳукуқни белгиловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;
- м) кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси микдори (10% дан кўп бўлмаган).

— Алохида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун руҳсатнома ёки лицензия талаб қилинган холларда, шунингдек нотариал тасдиқланган руҳсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур Низомда белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

16. Савдо ташкилоти қайси ҳудудда фаолият юритаётган бўлса ёки танлов ўтказилаётган туман (шаҳар)га яқин жойлашган бўлса, ушбу ҳудуд бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин.

17. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилган ҳужжатлар Комиссиянинг Ишчи органи томонидан қабул қилинади. Тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилишини рад этиш мумкин эмас, мазкур Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари.

Ишчи орган ҳужжатлар қабул қилиш муддати тугасига қадар манфаатдор талабгорларни танлов шартлари ва Комиссия томонидан тасдиқланган намунавий шартнома нусхаси билан таниширади.

Ҳужжатлар қабул қилиш танлов бошланишидан беш кун олдин тўхтатилади.

18. Комиссия Ишчи органи савдо ташкилотининг товар айланмаси, конунчиликка риоя этиш аҳволи, фаолиятини текшириш натижалари, ходимларининг малакаси ва бошқа жиҳатлари тўғрисида мустақил равишда солик, статистика, ҳокимлик идоралари, шунингдек бошқа муассаса ва ташкилотлардан тавсияномалар олиши мумкин.

19. Талабгорлар томонидан сохта ҳужжатлар тақдим қилингани ёхуд суд ижро чилиари билан тил биректириб, ноқонуний харакатлар қилганлиги аниқланган тақдирда улар танловга қўйилмайдилар, танлов ғолиби деб топилган тақдирда эса танлов натижаларининг уларга оид қисми бекор қилинади.

+

**§ 5. Танлов ғолибларини аниқлаш ва танлов натижаларини
эълон қилиш тартиби**

20. Танлов ғолибларини аниқлаш икки босқичда амалга оширилади:

биринчи босқичда — Ишчи орган томонидан тақдим қилинган хужжатлар белгиланган талабга жавоб берганлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги, шунингдек Ички хавфсизлик инспекцияси томонидан талабгорнинг ишчанлик обрўси, қонунчиликка ва Суд департаменти билан тузилган шартнома шартларига риоя этиш аҳволи (агар бундай шартнома тузилган бўлса), унга нисбатан назорат идоралари томонидан кўлланилган санкциялар ва бошқа шунга ўхшаш жиҳатлар текширилади.

иккинчи босқичда — Комиссия ўз йиғилишида тақдим қилинган хужжатларни ўрганади, белгиланган мезонлар бўйича баҳолайди ҳамда унинг натижалари бўйича танлов ғолибини аниқлайди.

21. Талабгорнинг ишчанлик обрўсини текшириш якунлари бўйича Ички хавфсизлик инспекцияси томонидан хулоса тузилиб, у Ишчи органга тақдим қилинади.

Биринчи босқичдан ўтган талабгорларнинг хужжатлари иккинчи босқичга қўйилади.

22. Ишчи органи томонидан айрим талабгорларнинг хужжатлари биринчи босқичдан қайтаrilган бўлса, улар бўйича умумлашган маълумот сабабларини кўрсатган ҳолда Комиссияга тақдим қилинади. Комиссия қайтаиш сабабларини асосиз деб топганда, талабгорлар иккинчи босқичга қўйилишлари мумкин.

23. Савдо ташкилотлари танлови Комиссия томонидан коллегиал тарзда ҳал қилинади.

Комиссия аъзолари талабгорлар томонидан тақдим қилинган хужжатларни ўрганиб чиқиб, қўйидаги мезонлар бўйича уларни баҳолайди:

- а) истеъмолчи учун жойлашган жойининг қулайлиги (вилоят ва туман (шахар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги);
- б) мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;
- в) мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари;
- г) мавжуд яроқли техникаси;
- д) ходимларининг малакаси ва иш тажрибаси;
- е) кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.

24. Талабгорларнинг имкониятлари 10 балллик рейтинг шкаласида қўйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:

а) истеъмолчи учун жойлашган жойининг қулайлигини (вилоят ва туман (шахар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги) унинг аниқ жойлашган ўрни асосида ўрганилиб, талабгорга 5 баллдан 10 баллгача баҳо берилади. Бунда маҳалий ҳокимият идоралари томонидан солиқ солиш, ижара ҳақи ставкасини белгилаш ёхуд бошқа мақсадларда туман (шахар) худуди тегишли зоналарга бўлинган бўлса, мазкур зоналаштириш хисобга олинади.

б) мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги мезонини аниқлашда талабгор имконияти 5 баллдан 8 баллгача баҳоланади.

в) талабгор томонидан танловга таклиф этилаётган яроқли техника воситаси, унинг тури ва техник имкониятларидан келиб чиқиб 3 баллдан 8 баллгача баҳоланади. Танловда талабгорнинг ижро хужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган техник жиҳатдан соз бўлган қўпи билан 2 та техника воситалари хисобга олинади;

г) талабгорнинг хисобварагидаги мажбуриятлардан озод бўлган мавжуд пул маблафи ва мол-мулки 2 баллдан 5 баллгача баҳоланади. Бунда талабгорнинг барча мавжуд пул маблағлари ва мол-мулки умумлаштирилиб, ягона балл берилади;

д) савдо ташкилоти ходимларининг маълумоти ва иш тажрибаси 2 баллдан 5 баллгача баҳоланади (кўпи билан 2 нафар савдо ташкилоти ходими хисобга олиниади);

е) кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги 5 баллдан 8 баллгача баҳоланади.

Талабгорлар томонидан тақдим этилган маълумотлар юқорида кўрсатилган мезонлар талабига жавоб бермаса, уларга ушбу мезон бўйича балл берилмайди.

25. Йиғилишда талабгорнинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича тегишли баллни бериш масаласи комиссия аъзолари томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасида назарда тутилган кўрсаткичлар асосида кўпчилик овоз билан ҳал этилади ва ҳар бир кўрсаткич бўйича ягона балл берилади.

26. Энг кўп яқуний балл тўплаган талабгорлар — савдо ташкилотлари Комиссия йиғилишида танлов ғолиблари деб топилади.

Агар икки ва ундан ортиқ талабгор бир хил балл тўплаган тақдирда, улар орасида нисбатан паст савдо чегирмаси таклиф қилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

27. Танлов ғолиблари деб топиш тўғрисидаги қарор Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлиб қолган ҳолларда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи хисобланади.

28. Комиссия қарори баённома билан расмийлаштирилади. Баённома Комиссия раиси ва котиби томонидан имзоланади.

Баённомада куйидагилар кўрсатилиши шарт:

йиғилиш ўтказилган жой ва сана;

йиғилишда иштирок этган Комиссия аъзолари;

танловда иштирок этиш учун хужжатлар тақдим этган талабгорларнинг рўйхати;

талабгорлар таклифларини баҳолаш хақидаги маълумот;

танлов ғолиблари тўғрисида маълумот.

29. Танлов натижалари бўйича баённома имзоланганидан сўнг беш кунлик муддат ичida танлов ғолиблари ва Суд департаментининг вилоят бошқармалари ўртасида муддатини узайтириш хуқуқи билан бир йил муддатга ижро хужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш тўғрисида тасдиқланган намунавий шаклдаги шартнома тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришда савдо ташкилотлари томонидан шартнома шартларига риоя қилинганлиги ҳамда улар томонидан ижро хужжатлари бўйича савдони ташкил этиш ва ўтказиш тартибини бузиш ҳолатларига йўл қўйилмаганлиги инобатга олинади.

30. Шартнома тузилганидан сўнг бир кунлик муддат ичida ваколатли савдо ташкилотларининг рўйхати тегишли суд ижрочилари туман (шахар) бўлимларига юборилади. Шунингдек, танловни ўтказиш тўғрисида эълон берилган оммавий ах-борот воситаларида бу хақда маълумот берилади.

III. Ижро хужжатлари асосида сотиладиган мол-мулкни сотувга чиқариш ва сотиш тартиби

31. Ижро хужжатлари асосида сотувга чиқариладиган мол-мулк савдо ташкилотларига топширилгунга қадар белгиланган тартибда баҳоланади.

32. Хатланган мол-мулк уни баҳолаш тўғрисидаги хулоса баҳоловчидан олингандан бошлаб, қонунчиликда назарда тутилган холларда суд ижрочиси томонидан баҳолангандага эса, мол-мulkни баҳолангандага кундан бошлаб 3 кун ичидага далолатнома асосида суд ижрочиси томонидан савдо ташкилотига топширилади.

Далолатнома мазкур Низомнинг 2-иловасида белгиланган шаклда тузилади.

33. Мол-мulkни сотиш тўғрисидаги далолатномага қўйидагилар илова қилинади: ижро ҳужжатининг нусхаси;

мол-мulkни хатлаш (рўйхатга олиш) далолатномасининг нусхаси;

мол-мulkни тавсифловчи ҳужжатлар ва (ёки) баҳолаш тўғрисидаги хулоса нусхалари;

сертификатланиши шарт бўлган товарлар бўйича мувофиқлик сертификатлари.

34. Ижро ҳужжатлари ижросини ўз вақтида таъминлаш учун миқдори, ҳажми ва тез сотилиши имкониятларидан келиб чиқиб, мол-мulk бир вақтнинг ўзида сотиш учун шартнома тузилган бир нечта савдо ташкилотларига берилиши мумкин.

35. Сотиш учун савдо ташкилотлари томонидан қабул қилинган мол-мulkлар хатлаш (рўйхатга олиш) далолатномасида назарда тутилган тартиб рақамлари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мувофиқлик сертификатлари (сертификатланиши шарт бўлган товарлар бўйича) ва савдо ташкилотининг товар ёрликлари билан таъминланиши керак.

Мол-мulkларни жузъий таъмирлаш, тозалаш ва текислаш уларни сотиш учун қабул килиб олган савдо ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилади.

36. Савдо ташкилотлари томонидан мол-мulkни сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси чакана савдо қоидалари» асосида амалга оширилади.

37. Сотувга чиқарилган мол-мulk икки ой мобайнида белгиланган нарҳда сотилмаса, савдо ташкилоти мол-мulk нархини камайтириш ёхуд уни қайтариб олиш масаласини кўриб чиқиш учун суд ижроисига ёзма равиша хабарнома юборади.

38. Савдо ташкилотлари томонидан шартнома шартларига, шунингдек мол-мulkни сотиш тартибига риоя этилиши устидан назорат тегишли суд ижроилари туман (шахар) бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Шартнома шартлари ва мол-мulkни сотиш тартиби бузилган тақдирда суд ижроилари туман (шахар) бўлимлари шартномани бир томонлама бекор қилиш тўғрисида худудий бошқармага билдирги юбориши ҳамда мол-мulkни мазкур Низом асосида танлаб олинган бошқа савдо ташкилотига олиб беришга ҳақлидир.

IV. Мол-мulkни реализация қилишдан тушадиган пул маблағларини ҳисобга олиш

39. Мол-мulkни реализация қилишдан тушган пул маблағларини ўтказиш учун суд ижроилари бўлимлари томонидан банкда депозит ҳисоб рақами очилади.

40. Мол-мulkни реализация қилишдан тушган пул маблағлари, савдо чегирмасини ушлаб қолган ҳолда, реализация қилинишига қараб савдо ташкилоти томонидан суд ижроилари туман (шахар) бўлимларидаги депозит ҳисоб рақамига икки банк иш кунидан кечикмай, ижро ҳужжатининг тартиб рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ўтказилади.

Мол-мulkни реализация қилишдан тушган суммани ўтказиш муддати кечиккан тақдирда савдо ташкилоти кечиккан ҳар бир кун учун тўланадиган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида пеня ундирилади.

41. Суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимининг депозит ҳисоб рақамига молмulkни реализация қилишдан келиб тушган маблағларни тақсимлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

V. Якуний қоидалар

42. Суд департаменти, унинг худудий бошқармалари ва суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлиmlари савдо ва ихтисослашган ташкилотлар, шунингдек бозорлар томонидан ижро хужжатлари бўйича мол-мulkни сотишни ташкил этилиши ва ўтказилиши устидан доимий назоратни амалга оширади.

43. Мазкур Низом Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси раиси в.б. Б. УЛАШОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 28 декабрь

Суд хужжатлари ва бошқа органлар
хужжатлари бўйича мол-мulkни сотиш
учун савдо ташкилотларини танлаш ва
мол-мulkни сотиш тартиби тўғрисидаги
низомга
1-ИЛОВА

Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашда талабгорларнинг имкониятларини баҳолайдиган РЕЙТИНГ БАЛЛАРИ

| № | Баҳолаш мезонлари | Рейтинг кўрсаткичлари | Рейтинг баллар | Бериладиган маълумот |
|---|--|------------------------|---|----------------------|
| Истеъмолчи учун жойлашган жойининг кулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги) | Аҳоли гавжум вилоят ва туман (шаҳар) марказида, бозорлар ва савдо марказларда ёхуд уларнинг яқин атрофида жойлашган талабгор | 8 баллдан 10 баллгacha | Хуқуқни тасдиқловчи хужжатлар, фотосуратлар тегишли маълумот | |
| | Юқорида кўрсатилганидан бошқа аҳоли гавжум транспорт воситалари серқатинов йўл бўйида жойлашган талабгор | 6 баллдан 8 баллгacha | | |
| | Аҳоли гавжум бошқа худудларда жойлашган талабгор | 5 баллдан 6 баллгacha | | |
| Мол-мulkларнинг сақланишини таъминловчи жой (ускуна)лар | Махсус сақлаш биноси ёки жойи (омборхона, ергўла, музллатгич, совутгич ва х.к.) | 5 баллдан 8 баллгacha | Хуқуқни тасдиқловчи хужжатлар, фотосуратлар, тегишли маълумот | |
| Мол-мulkларнинг туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)лар | Мол-мulkларнинг туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи етарлича савдо асбоб-анжомлари ва махсус сотиш жойлари | 5 баллдан 8 баллгacha | Хуқуқни тасдиқловчи хужжатлар, фотосуратлар, тегишли маълумот | |

| № | Баҳолаш мезонлари | Рейтинг кўрсаткичлари | Рейтинг баллар | Бериладиган маълумот |
|---|---|-----------------------|---|----------------------|
| Талабгорга тегишили яроқли техника | Юк машина | 8 балл | Хукуқни тасдиқловчи хужжатлар, фотосуратлар, техник паспорт | |
| | Юк ташишга ихтисослашган енгил машина | 6 балл | | |
| | Енгил машина | 4 балл | | |
| | Юк ташишга ихтисослашган мотоцикл | 3 балл | | |
| Талабгорниң мажбуриятлардан ҳоли бўлган мавжуд пул маблаги ва мол-мулки | 100 млн. сўмдан юқори | 5 балл | Банк маълумотномаси | |
| | 50 млн. — 100 млн. сўмгача | 4 балл | | |
| | 10 млн. — 50 млн. сўмгача | 3 балл | | |
| | 1 млн. дан — 10 млн. сўмгача | 2 балл | | |
| Савдо ташкилоти ходимларининг маълумоти ва уларниң иш тажрибаси | Мутахассислик бўйича маълумоти ва 5 йилдан ортиқ иш тажрибаси | 5 балл | Белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнат дафтарчаси ва диплом нусхалари | |
| | Мутахассислик бўйича маълумоти ва 5 йилдан кам иш стажи | 3 балл | | |
| | Мутахассислик бўйича маълумоти бўлмасдан туриб, 5 йилдан ортиқ иш стажи | 2 балл | | |
| Кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги | 5% гача | 8 балл | Талабгорни ёзма таклифи | |
| | 5% дан 7% гача | 7 балл | | |
| | 7% дан 9% гача | 6 балл | | |
| | 9% дан 10% гача | 5 балл | | |

Изоҳ. Комиссия баҳоланаётган кўрсаткичларниң хусусиятига қараб уларниң хар бири бўйича балл бериш мақбул ёки мақбул эмаслигини аниқлайди. 4 ва бандлар бўйича 1 тадан ортиқ ходим ёки техника воситаси кўрсатилган бўлса, улардан танлаб олинган 2 тасининг хар бири учун алоҳида балл берилади.

Суд хужжатлари ва бошқа органлар
хужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш
учун савдо ташкилотларини танлаш ва
мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги
низомга
2-ИЛОВА

Хатланган мол-мулкни сотишга топшириш ҳақидаги ДАЛОЛАТНОМА

«___» ____ 20__ й. _____ туман (шахар)

Мен, _____ суд ижроочилири туман (шахар)
бўлими суд ижроочиси _____, савдо ташкилоти вакили

(Савдо ташкилоти вакилининг Ф.И.Ш., яшаш жойи ҳақидаги маълумотлар)

иштирокида _____ га мувофиқ,
(ижро хужжатининг номи)

карздор _____ дан ундирувчи
(карздорнинг Ф.И.Ш.)

_____ фойдасига _____
(ундирувчининг Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

(ижро ҳужжатининг мазмуни)

ундириш ҳақидаги «___» 200___ йилда қўзғатилган ____сонли ижро иш юритуви бўйича «___» 200___ йилдаги далолатномага мувофиқ

| № | Мол-мулкнинг номи ва тавсифи | Миқдори | Нархи |
|----|------------------------------|---------|-------|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |

хатланган мулкларни мазкур далолатномага мувофиқ _____
савдо дўконига сотиш учун топширдим
(савдо ташкилотининг номи)

Юкоридаги мулкларни сотиш учун қабул қилиб олдим _____

(шахснинг Ф.И.Ш., лавозими, унинг ваколатигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақида маълумот)

Сотиш учун топширилган мулкнинг жами нархи _____ сўм,
(сўз билан)

бундан комиссион тўлов _____ фоизни, яъни _____
(сўз билан)

— сўмни ташкил этади.
_____ сўм _____ * хисоб рақамига ўтка-
(сўз билан)

зилиши лозим.

+

Имзолар:

Суд ижрочиси: _____

Савдо ташкилоти _____

* суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари депозит ҳисоб рақамлари кўрсатилади, давлат даромадига ўtkazilgan mol-mulkni сотишида эса маҳсус ҳисобрақам кўрсатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

525 Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
29 декабря 1650-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 8 январдан кучга киради)

Назорат органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини асоссиз чекланишига йўл қўймаслик ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 23 марта «Тадбиркорлик субъектларини текшириш сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сон ва 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сон фармонларига асосан **буюраман**:

1. Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Идоравий меъёрий хужжатларни давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда вазирликлар, давлат қўминалари ва идоралар норматив хужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритсин;

ушбу бўйруқни барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши ва амалда кўлланилиши устидан назоратни таъминласин.

3. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

4. Ушбу бўйруқ кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2001 йил 15 майдаги 55-мх-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги бўйруфи (2001 йил 15 май, рўйхат рақами 917-1) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. Қонун хужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (У. Аюбов) мазкур норматив-ҳуқуқий хужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этишини таъминласин.

6. Мазкур бўйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринbosари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

Адлия вазири Ф. ОТАХОНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 декабрь,
213-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Адлия вазирининг
2006 йил 29 декабрдаги 213-мх-сон
бўйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш
ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги ПФ-1503-сон «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги ва 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сон «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сон «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришини рафбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тадбиркорлар ҳукуқларини химоя қилишини таъминлаш максадида ишлаб чиқилган.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар ва уларнинг таърифлари қўлланилади:

Текширишларни рўйхатга олиш китоби — назорат қилувчи ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текширишлар тўғрисидаги ахборот киритиладиган расмий хужжат хисобланувчи текширишларни ҳисобга олиш маҳсус китоби;

хўжалик юритувчи субъект — белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахс;

назорат қилувчи органлар — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун хужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар;

текшириш — хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда улар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун хужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши;

комплекс текшириш — бир вактнинг ўзида икки ва ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текшириш;

молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) — солик ва валюта тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш максадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа хужжатларини ўрганиш ва таққослаш;

режадан ташқари текшириш — назорат қилувчи органлар томонидан қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда амалга ошириладиган йиллик (чораклик) текширишлар режасига киритилмаган текшириш (шу жумладан қисқа муддатли текшириш);

қисқа муддатли текшириш — назорат қилувчи органлар томонидан бир иш куни давомида ўтказиладиган ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган текширув (кечки ва (ёки) тунги вақтларда фаолият кўрсатувчи (текшириш кунининг соат 18-00дан эртаси куннинг соат 6-00 гача) хўжалик юритувчи субъектларда қисқа муддатли текширишлар текшириш бошланган пайтдан бошлаб саккиз соат давомида амалга оширилади);

муқобил текшириш — операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидағи хужжатларни таққослашдан иборат текширув;

назорат тартибида текшириш — хўжалик юритувчи субъектларнинг илгари текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

2. Мазкур Низом назорат қилувчи ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар (кейинги ўринларда — текширувчи органлар)нинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини барча текширишлари (молия-хўжалик фаолиятини текшириш, комплекс текшириш, тафтиш қилиш, режадан ташқари текшириш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш ва х. к.), шу жумладан ёнғин, санитария-эпидемиология, ветеринария хавфсизлиги, касса операцияларини юритиш тартиби ва товарлар билан савдо қилиш қоидаларига риоя қилишни текшириш, шунингдек энергия назорати, карантин ва ўсимликлар химояси хизматлари, табиятни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказиладиган текширишлар ва бошқа текширишлар бўйича хатти-харакатларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

текширувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

4. Текшириш билан хўжалик юритувчи субъектнинг бевосита текшириш ўтказиш йилидан олдинги тўрт календарь йилдан кўп бўлмаган фаолияти қамраб олиниши мумкин. Бунда:

текшириш ўтказилаётган календарь йил даврларини текширишга рухсат этилади;

илгари текширилган масалалар бўйича текшириш ўтказиш ман этилади.

Мазкур банднинг қоидалари қўзғатилган жиноят ишлари доирасида хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишларга татбиқ этилмайди.

5. Давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармалари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган муассасалар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Прокурор назорати тартибида амалга ошириладиган давлат назорати ҳам тегишли қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

6. Мазкур Низом билан тартибга солинмаган муносабатлар бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

II. Текшириш ўтказиш учун асослар

7. Режали текширишлар ўтказиш учун қўйидагилар асос бўлади:

назорат құлувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашы (кейинги ўринларда — Кенгаш) ёки унинг Коракалпогистон Республикаси, вилюяттар ва Тошкент шахри бүйича тегишли ҳудудий комиссиялари (кейинги ўринларда — вилюят комиссиялари) томонидан белгиланган тартибда берилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма;

назорат құлувчи органнинг текширишлар амалга оширишни мувофиқлаштириш режаси асосида текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахслар таркиби ва текшириш ўтказиш муддатлари кўрсатилган ҳолда чиқарган бўйруги.

8. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режадан ташқари текшириш учун Кенгаш, вилюят комиссиялари ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, Кенгашнинг туман ва шаҳарлар бўйича ҳудудий комиссиялари томонидан текширилаётган обьект номи, текшириш ўтказиш мақсади, муддатлари ва унинг сабаблари асосилиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда қабул қилинган қарор, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли назорат құлувчи органнинг мансабдор шахслари таркиби ва текшириш ўтказиш муддати кўрсатилган бўйруги асос бўлади.

9. Режадан ташқари текширишлар назорат құлувчи органлар томонидан қўйидаги ҳолларда ўтказилади:

агар текширувни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Хукуматининг қарорларидан келиб чиққанда. Бунда агар Президент ва Хукумат қарорларида текшириш ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект номи аниқ кўрсатилган бўлса, Кенгаш ёки унинг вилюят комиссиясининг розилигини олиш талаб қилинмайди;

назорат құлувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда. Қўшимча маълумотлар сифатида корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг аниқ исботланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган қонун бузилиш фактлари хизмат қилиши мумкин;

фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда;

санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

Юкори турувчи назорат құлувчи органлар ўзларининг ҳудудий бўлинмалари га хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида режадан ташқари текшириш ўтказиш учун топшириқларни факатгина Кенгаш, вилюят комиссиялари ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, Кенгашнинг туман ва шаҳарлар бўйича ҳудудий комиссияларининг уларни ўтказиш тўғрисидаги қарори бўлганида юборади.

10. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 39-моддаси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 9-моддасига мувофиқ прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш учун кўзғатилган жиноий иш мавжудлиги асос бўлади.

11. Хўжалик юритувчи субъект Кенгаш ёки вилюят комиссияси ишчи органларидан унинг фаолиятини текширишга тааллуқли (режалаштирилган текшириш санаси, тури, назорат құлувчи органнинг номи ва х. к.) ахборотни (бунда ушбу ахборот хўжалик юритувчи субъектга бепул тақдим этилади) олишга ҳақли. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ушбу ахборотни олиши, шунингдек Кенгаш томонидан

тасдиқланадиган текширишлар режалариға киритилган текширувлар түғрисидаги маълумотларни матбуотда эълон қилиш йўли билан ҳам таъминланиши мумкин.

12. Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текширишлар тегишли назорат қилувчи (ёнғинга карши, санитария, ветеринария, энергетика назорати ва бошқа) органлар томонидан, коида тариқасида, бир марта ўтказиладиган комплекс текширув давомида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилади.

Бунда худудий солик органлари томонидан бошқа туманлар (шаҳарлар)да рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш бинолари, савдо шохобчалари қаерда жойлашганидан ва хизматлар кўрсатиладиган (ишлар бажариладиган) жойдан қатъи назар уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш такорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, хўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинган жойдаги тегишли солик органлари билан бир вақтда амалга оширилади.

13. Режали текширувлар Кенгаш томонидан тасдиқланган режалар асосида ўтказилади.

Бир кундан ортиқ давом этадиган режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан Кенгаш қарори бўйича амалга оширилади. Бир кунлик режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, Кенгашнинг туман ва шаҳарлар бўйича худудий комиссияларининг қарори бўйича амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишлар жиноят ишлари юзасидан тергов олиб бориши жаёнида текшириш тайинлаш түғрисидаги карор асосида ёки назорат қилувчи органлар томонидан Кенгаш ёки вилоят комиссияси қарорига биноан ўтказилиши мумкин.

Назорат тартибидаги текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан ушбу Низомнинг 23-банди талабларига қатъий риоя килинган ҳолда Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиясининг қўшимча қарорисиз амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш учун асослар Кенгаш томонидан тасдиқланадиган норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

14. Текшириш ўтказишга фақат тегишли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган аттестация натижалари бўйича ва текшириш хукуқини берувчи белгиланган намунаидаги маҳсус гувоҳномаларга эга бўлган мансабдор шахсларга рұхсат этилади.

III. Текширишлар ўтказиш шартлари

15. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддатлари 30 календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда Кенгаш қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

16. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 39-моддасига мувофиқ хўжалик юритувчи субъект

лар — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси аъзолари фаолиятини текшириш унинг вакиллари иштироқида амалга оширилиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисбот тузиш аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти тегишли аудиторлик ташкилоти мажбурий жалб қилинган ҳолда текширилади. Бунда молиявий ҳисботнинг тўғрилиги учун аудиторлик ташкилоти жавоб беради.

17. Текшириш ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари ва/ёки эксперталар жалб қилинган тақдирда аудиторлик текширишлари (экспертизалар) ўтказиш бўйича сарф-харажатлар факат ушбу текширишларни тайинлаган текширувчи органлар ҳисобидан амалга оширилади.

18. Аудиторлик ташкилотлари ва/ёки эксперталар жалб қилинганда текширувчи орган ҳамда аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт ўртасида тузилган шартнома нусхаси албатта хўжалик юритувчи субъектга тақдим этилади. Шартномада аудитор ва/ёки экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва мансаби кўрсатилган бўлиши лозим.

Аудиторлик ва/ёки эксперт хулосасининг тўғрилиги ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги юзасидан аудиторлик ташкилоти ва/ёки экспертнинг жавобгарлиги тузиладиган шартноманинг зарурий шарти ҳисобланади.

19. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар Кенгашнинг қарорига биноан режали тартибда кўпи билан йилига бир марта амалга оширилиши мумкин, хусусий корхоналар ва ушбу Низомнинг 20-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вактида ҳамда тўла ҳажмда риоя этувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилади, ушбу Низомнинг 20-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхоналар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

20. Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилади.

Янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнida режа асосида текшириш ўтказилмайди.

21. Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан ўтказиладиган текширишда хўжалик юритувчи субъектнинг фақат қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолиятигина қамраб олиниши мумкин, бу ҳақда текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши лозим.

22. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текшириш хўжалик юритувчи субъектларга бормасдан амалга оширилади ва факат уларнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатлари доирасидагина йўл қўйилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг текшириш обьекти билан ўзаро муносабати деганда шахсларнинг хужжатлар (жиноят иши материаллари, ашёвий далиллар) билан тасдиқланган аниқ муносабатини тушуниш лозим.

Кенгаш ёки вилоят комиссиясининг карори ёхуд хуқуқни муҳофаза қилувчи

органнинг тегишли мансабдор шахсининг қарори билан белгиланган муддатда муқобил текшириш ўтказиш имконияти бўлмаганида, у фақатгина муқобил текшириши бошқа муддатга кўчириш тўғрисидаги Кенгаш ёки вилоят комиссиясининг қўшимча қарори ёхуд хукуқни муҳофаза қилувчи органнинг тегишли мансабдор шахсининг қўшимча қарори асосида ўтказилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлардан муқобил текширишга таалукли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа хужжатларни талаб қилиш ман этилади.

23. Назорат тартибидаги текширишларни ўтказиш назорат қилувчи органлар томонидан факат илгари ўзлари ўтказган текшириш натижаларига доир далолатномада (маълумотномада) белгиланган ҳолатлар ва муддатлар бўйича Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияларининг қўшимча розилигисиз амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъекти текшириш натижалари бўйича далолатномада (маълумотномада) белгиланган муддатларда назорат тартибида текширишлар ўтказишга рози бўлмаса, уларни ўтказиш муддатлари Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомда (2006 йил 6 май, рўйхат рақами 1573) кўрсатилган тартибга мувофиқ вилоят комиссияларининг қарорлари билан белгиланади. Бунда ўтказилган текшириш натижалари бўйича далолатнома (маълумотнома) назорат тартибида текшириш ўтказиш зарурлигига асос бўлади.

24. Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчи органларнинг ваколати кирмайдиган масалаларга оид талабларини бажармаслик ҳамда текшириш предметига таалукли бўлмаган материаллар билан уларни таништирасликка ҳақлидир.

25. Хужжатларни олиб қўйиш ва уларни хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг талаби бўйича тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибида амалга оширилади, прокуратура органлари эса, бу ҳолда «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ҳам асосланади. Хукуқни муҳофаза қилувчи органлар асл нусхаси олиб қўйилган хужжатларнинг сақланиши учун жавобгардирлар. Хужжатларнинг асл нусхасини олиб қўйишда, хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатли шахслари, хўжалик юритувчи субъектларга бош бухгалтер ёки хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа мансабдор шахси томонидан тасдиқланадиган хужжатларнинг асл нусхасидан кўчирмалар олиш имкониятини беришлари лозим.

26. Текширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари, аудиторлик ташкилотлари ва / ёки эксперталар уларга хўжалик юритувчи субъектни текшириш билан боғлиқ ҳолда маълум бўлган тижорат сирини ташкил қилувчи маълумотларни тарқатганликлари учун конунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

27. Текширувчи мансабдор шахслар текшириш бошланишидан олдин хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарини (якка тартибдаги тадбиркорни, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахсни) текшириш мақсади ва шартлари билан таништириши, конунчиликда белгиланган хужжатларни тақдим этиши, Текширишларни рўйхатга олиш китобига (1-сонли илова) тегишли ёзувлар киритиши лозим.

Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш 2-сонли иловада кўрсатилган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

28. Текширишларни рўйхатга олиш китоби белгиланган намунага мувофиқ бўлиши, қаттиқ мукова билан қопланган ва рақамланган, тикилган, вараклар сони ва Китобни юритиш санаси кўрсатилган ҳолда хўжалик юритувчи субъект раҳбари-нинг имзоси ва муҳри (якка тартибдаги тадбиркор учун — агар у мавжуд бўлса) билан тасдиқланган бўлиши керак.

Адлия органлари томонидан ҳисоби юритиладиган Текширишларни рўйхатга

олиш китобида хўжалик юритувчи субъектнинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (пошли манзили), унга берилган солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) тўғрисида маълумотлар бўлиши лозим.

29. Текширишларни рўйхатга олиш китоби мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан юритилади. Текшириш бошланишидан олдин хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс) текширувчи мансабдор шахсга Текширишларни рўйхатга олиш китобини тегишли устунларини тўлдириш учун тақдим этади.

Текширувчи мансабдор шахс Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришдан бош тортса, у текширишга қўйилмайди.

30. Назорат қилувчи органлар текширишни назорат қилувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган текшириш ўтказиш режасига мувофиқ амалга оширади. Текшириш текширишни ўтказиш режаси ва назорат қилувчи органнинг ваколатлари доирасидан четга чиқмаслиги лозим.

31. Текширишлар натижалари далолатнома (маълумотнома) билан, зарур ҳолларда эса — аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатма билан ҳам расмийлаштирилади.

32. Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси томонидан белгиланган тартибда берилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма (кўчирманинг хақиқийлиги кўрсатилган ҳолда тегишли имзо ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим), назорат қилувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган текшириш ўтказиш бўйруғи ва режаси, кўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор нусхалари хўжалик юритувчи субъект раҳбарига (якка тартибдаги тадбиркорга, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахсга) уларни олганлиги хақидаги тилхат асосида топширилади. Бунда текшириш натижаларини акс эттирувчи хужжатнинг бир нусхаси текшириш тугаганидан кейин ўн кунлик муддат ичida топширилади. Текшириш ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт жалб қилинган тақдирда, текширувчи орган ва аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт ўртасида тузилган шартнома нусхаси ҳам топширилади.

33. Текширишларни рўйхатга олиш китоби тўлдирилгандан ва текшириш тугагандан сўнг мансабдор шахс — текшириш раҳбари ва хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс) унда қайд қилинган ёзувларни тўғрилигини ўзларининг имзолари билан сана ва вақтни кўрсатган ҳолда тасдиқлайдилар.

IV. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва текширувчи органлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг хуқуқ ва мажбуриятлари

34. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар кўйидаги хуқукларга эга: ўз фаолиятлари текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш; текширувчи мансабдор шахслардан Кенгаш, вилоят комиссиялари ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, Кенгашнинг туман ва шаҳарлар бўйича худудий комиссиялари қарорини ва кўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ бўлган текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарорни, текшириш ўтказиш учун асос хисобла-

нувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиш;

текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик;

текширувчи мансабдор шахсларнинг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларини бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик;

текширувчи мансабдор шахслардан текшириш тугаганидан сўнг ўн кун муддат ичida текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхасини олиш;

қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш.

35. Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчи мансабдор шахсларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш объектларига киритишга, текширувчи мансабдор шахсларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишга мажбурилар.

36. Текширишни амалга ошираётган текширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида қўйидаги хукуқларга эга:

текширилаёттан хўжалик юритувчи субъектлардан текшириш ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш;

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга аниқланган коидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар мулкдорлари олдига айбдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

текширувга аудиторлик ташкилотлари ва/ёки эксперталарни белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этиш;

конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда молиявий ва (ёки) маъмурий жазо чораларини қўллаш;

режали текширишлар ўтказиш муддатини кўчириш тўғрисида башарти, бунга объектив асослар бўлса, Кенгашга тақдимнома киритиш.

Текширувчи мансабдор шахсларнинг қонуний талаблари текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажариш учун мажбурийdir.

37. Текширувчи мансабдор шахслар ўз ваколатлари доирасида қўйидагиларни бажаришга мажбурилар:

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш хукуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш;

хўжалик юритувчи субъектлар ишлашига халал бермаслик;

Текширишларни рўйхатга олиш китобига ушбу Низомда белгиланган тартибда ёзув киритиш;

давлат сири, тижорат ёки бошқа сирлар сақланишини таъминлаш;

текширув натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдирish;

хукуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш.

38. Текширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралишишга ҳақли эмас.

Агар текширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритув-

чи субъектларнинг фаолиятида қонунчилик бузилганлигини аниqlасалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўришлари мумкин. Текширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик холати мавжудлигидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа қонуний фаолиятига аралашиш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмас.

V. Жавобгарлик

39. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текширишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши бўйича жиноий жавобгарликкача бўлган шахсан жавобгарлик текширувчи органларнинг раҳбарлари ва ваколатли шахслари зиммасига юклатилади.

40. Хуқуқи бузилган хўжалик юритувчи субъект унга келтирилган заарни тўлиқ ундирилишини талаб қилиши мумкин.

давлат органларининг ноконуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф харакатлари (харакатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган заарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари хисобига қопланиши лозим.

Заарларнинг ўрнини қоплаш суд қарори билан ана шу етказилган заар учун айбордor бўлган давлат органларининг мансабдор шахсларига, қонунчиликда белгиланган тартиб ва миқдорларда юкланиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъект айборд мансабдор шахснинг ноконуний аралашувни натижасидаги етказилган реал заарни, бой берилган фойдани, шунингдек маънавий заарни қоплашни суд орқали талаб қилишга ҳақли.

41. Текширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахсларининг харакатлари ва қарорлари устидан бевосита судга ёки бўйсуниш тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сон «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ текширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахсларининг харакатлари ва қарорлари устидан шикоятлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг худудий бўлинмаларига берилиши мумкин.

VI. Якуний қоидалар

42. Ушбу Низом Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси ўринбосари в.б., Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси раиси в.б. **Б. УЛАШОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 21 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Бош прокурор Р. ҚОДИРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 28 декабрь

Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 декабрь

Ички ишлар вазири Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 декабрь

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 декабрь

+

-

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини
текшириш ва Текширишларни рўйхатга
олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида
низомга
1-ИЛОВА

ТЕКШИРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ КИТОБИ

(хўжалик юритувчи субъектнинг тўлик номи)

(хўжалик юритувчи субъектнинг жойлашган ери (почта манзили)

(солик тўловчининг идентификация рақами)

| T/p | Назорат ёки хукуқни муҳофаза қилувчи органнинг номи | Текширувчининг исми, фамилияси, отасининг исми ва гувоҳнома рақами | Аудиторлик ташкилотининг номи (лицензия берилган сана, рақами ва амал қилиш муддати), аудитор, экспертнинг Ф.И.О. (шахсини тасдиқловчи хужжат) | Текшириш ўтказиш учун асос; жиноий иш рақами | Текшириш тури ва мақсади |
|-----|---|--|--|--|--------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |

| Текшириш ўтказиш учун белгиланган муддатлар | Текшириши бошлиш ва тугатиш санаси ва вақти | Текширишнинг аниқ давом этган вақти | Талаб қилинган хужжатлар | Текшириш жараёнида кўрилган чоралар | Хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг (якка тадбиркорнинг) фикри |
|---|---|-------------------------------------|--------------------------|-------------------------------------|---|
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |



Хўжалик юритувчи субъектлар
фаолиятини текшириш ва Текширишларни
рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби
тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

Хўжалик юритувчи субъектнинг Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш қоидалари

1. Текширувчи орган 2—7, текширилувчи хўжалик юритувчи субъект 8—12 устунларни тўлдириши шарт.

2. Иккинчи устунда текширувчи органнинг тўлиқ расмий номи, унинг почта манзили, раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми, у бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

3. Учинчи устунда текширувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, гувоҳнома (шу жумладан маҳсус гувоҳнома) рақами, гувоҳномани берган идора номи, гувоҳноманинг амал қилиш муддати кўрсатилади. Текширишларни рўйхатга олиш китоби тўлдирилгандан ва текшириш тугагандан сўнг мансабдор шахс — текшириш раҳбари ушбу устунга Китобга қайд қилинган ёзувларни тўғрисида ёзув киритади ва сана ва вақтни кўрсатган ҳолда унинг имзоси билан тасдиқланади.

4. Тўртинчи устунда аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт жалб этилган тақдирда, аудиторлик ташкилотининг номи, лицензия берилган сана, рақами ва амал қилиш муддати, аудитор ва/ёки экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, шахсини тасдиқловчи гувоҳнома рақами кўрсатилади.

5. Бешинчи устунда текшириш ўтказиш режа-жадвалини тасдиқлаган орган номи ва уни тасдиқлаш санаси; буйруқни чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, буйруқни тасдиқлаш рақами ва санаси; қўзғатилган жиноят иши иш билан боғлиқ текширишни тайинлаш тўғрисида қарор чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, қарорнинг санаси, шунингдек жиноят ишининг рақами кўрсатилади.

6. Олтинчи устунда текшириш турининг тўлиқ номи (режали текшириш, режадан ташқари текшириш, қисқа муддатли текшириш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш) ва мақсади кўрсатилади. Текшириш турининг номи текшириш ўтказиш режа-жадвали ва буйруқда кўрсатилган номга, мақсади эса — буйруқда кўрсатилганига мувофиқ бўлиши лозим.

7. Еттинчи устунда текшириш ўтказиш муддати кўрсатилади. У текшириш ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан ошмаслиги лозим.

8. Саккизинчи устунда ҳар куни текшириш ўтказишни бошлаш ва тугатиш вақти, санаси кўрсатилади. Ушбу устунда зарур ҳолларда текширувчи мансабдор шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектнинг ички тартибида белгиланган иш вақти тугаганидан кейинги фаолияти хақида маҳсус белгилар кўйилади.

9. Тўққизинчи устунда текширишнинг ҳақиқатан давом этган календарь муддати кўрсатилади.

10. Ўнинчи устунда талаб қилинган хужжатларнинг тўлиқ номи кўрсатилади. Ушбу устунда талаб қилинган хужжатлар тавсифи текшириш ўтказиш режа-жадвали хамда буйруқда кўрсатилган текшириш тури ва мақсадларига мос келмаган ҳолда маҳсус белгилар кўйилади.

11. Ўн биринчи устунда хўжалик юритувчи субъектга нисбатан белгиланган тартибида кўрилган чоралар (ишлаб чиқаришни тўхтатиш, омборни ёки бутунлай

корхонани муҳрлаш, пул маблағларидан ва/ёки хом-ашёдан фойдаланишни таъқиқлаш, молия ва бошқа ҳужжатларни олиб қўйиш ва ҳ. к.) кўрсатилади.

12. Ўн иккинчи устунда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг (якка тартибдаги тадбиркорнинг) «Розиман», «Рози эмасман», «Эътиrozлар билан розиман» шаклларидаги фикри кўрсатилади. «Рози эмасман» шаклидаги фикр кўрсатилган ҳолда хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор) бунинг асосланган сабабларини кўрсатади. «Эътиrozлар билан розиман» шаклидаги фикр кўрсатилган ҳолда асосланган эътиrozлар келтиради. Текширишларни рўйхатга олиш китоби тўлдирилгандан ва текшириш тугагандан сўнг хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс) ушбу устунга Китобга қайд қилинган ёзувларни тўғрилиги хақида сана ва вақтни кўрсатган ҳолда ўзининг имзоси билан тасдиқлайди.

Текширишларни рўйхатга олиш китобида ўчириб ёзиш ва бўяш тақиқланади. Тўғрилашлар хато ёзувлар ўчирилиб, керакли маълумотларни устидан қайта ёзиш ёки қўлда устидан ёзиш йўли билан амалга оширилиши лозим. Ҳар бир бундай тўғрилаш мансабдор шахс-текшириш раҳбарининг ва хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор)нинг имзоси билан тасдиқланади.

— + —
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲИСОБ ПАЛАТАСИННИГ
 ҚАРОРИ

526 Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаларини Давлат бюджети даромадига йўналтириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
29 декабрда 1651-сон давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 8 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги ПҚ-460-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги карорининг 6-бандини ижро қилиш максадида **қарор қиласиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаларини Давлат бюджети даромадига йўналтириш тартиби тўғрисида низом* тасдиқлансан.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

* Низом рус тилидаги матнда берилган.

3. Ушбу қарорнинг ижроси юзасидан назоратни ўз зиммамиизда қолдирамиз.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 11 декабрь,
101-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 11 декабрь,
2006-52-сон

Хисоб палатаси раиси Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 11 декабрь,
11-133-сон

+

-

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 16 декабрдан 29 декабргача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Давлат органлари ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириши агентлиги Бош директорининг 2006 йил 17 ноябрдаги 355-сон буйруғи.

2006 йил 21 декабрда 1646-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 31 декабрдан кучга киради).

2. «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириши ва назорат қилиши маркази Бош директорининг 2006 йил 22 ноябрдаги 2006-14-сон буйруғи.

2006 йил 23 декабря 1127-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 2 январдан кучга киради).

3. «Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали республика корхоналарига сотиша қўшилган қиймат солифини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2006 йил 7 декабрдаги 99, 2006-48-сон қарори.

2006 йил 25 декабря 1583-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 4 январдан кучга киради).

4. «Бошоқли дон экинлари сомонини ёкиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлигининг 2006 йил 27 ноябрдаги 11-1481, 10/8, 91-сон қарори.

2006 йил 25 декабря 1647-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 4 январдан кучга киради).

5. «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 21 октябрдаги 25/6-сон қарори.

2006 йил 27 декабря 1648-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 6 январдан кучга киради).

6. «Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш ва мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқарши давлат қўмитаси ва Адлия вазирлигининг 2006 йил 29 декабрдаги 01/19-18/08, 37-сон қарори.

2006 йил 29 декабрда 1649-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 8 январдан кучга киради).

7. «Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2006 йил 29 декабрдаги 213-сон буйруғи.

2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 8 январдан кучга киради).

8. «Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси томонидан аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаларини Давлат бюджети даромадига йўналтириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Хисоб палатасининг 2006 йил 11 декабрдаги 101, 2006-52, 11-133-сон қарори.

2006 йил 29 декабрда 1651-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 8 январдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом». Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 776, 20.07.1999 й.).

Адлия вазирининг 2006 йил 27 декабрдаги 211-мҳ-сон буйруғи билан реестридан чиқарилди.

2. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиши ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган (рўйхат рақами 917-1, 15.05.2001 й.).

Адлия вазирининг 2006 йил 29 декабрдаги 213-мҳ-сон буйруғи билан реестридан чиқарилди.

Мазкур хужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

—

+